

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 343.235.1 (575.1)

ЙЎЛЧИЕВА ШАХЛО ШУХРАТОВНА

ЖИНОЯТЛАР РЕЦИДИВИНИНГ ЖИНОЯТ – ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

5А240104 – Жиноят ҳуқуқи; жиноят процесси

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбарлар:
ю.ф.н. А.К.Расулов
ю.ф.д., проф. Қ.Р.Абдурасулова

Тошкент – 2015

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
1-БОБ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят тушунчаси ва унинг бир қанча жиноятлар тизимида тутган ўрни	
1.1. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят тушунчаси ва белгилари.....	9
1.2. Рецидив жиноятнинг бир қанча жиноятлар тизимида тутган ўрни.....	23
1-боб бўйича хулосалар.....	39
2-БОБ. Рецидив жиноятларнинг турлари	
2.1. Оддий рецидив тушунчаси	42
2.2. Хавфли рецидив жиноят тушунчаси.....	49
2.3. Ўта хавфли рецидив жиноят тушунчаси.....	55
2-боб бўйича хулосалар.....	65
3-БОБ. Рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида рецидив жиноят учун жавобгарлик масаласи	
3.1. Рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг хусусиятлари.....	67
3.2. Айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги нормаларида рецидив жинояти учун жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари.....	77
3-боб бўйича хулосалар.....	88
Хулоса.....	92
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96
Илова.....	103

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жиноят учун жазоларни эркинлаштириш ўз моҳиятига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ҳаётни либераллаштиришнинг мантикий давомидир. Ҳукукий тизимни либераллаштириш қонун талабларини шунчаки юмшатиш, бўшаштириш эмас, либераллаштириш қонунларнинг демократик, инсонпарварлик асосларини кучайтириш, ҳуқуқ нормаларини, шу жумладан, жиноятга доир қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш жараёнидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳам бу борада фикр юритиб, “жиноий-ҳукукий сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди”¹, деб таъкидлайди. Зеро, “суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш – ҳукукий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим бир йўналишидир”².

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган қатор ислохотлардан бири – бу жиноят содир этган шахсларга нисбатан, албатта, содир қилинган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ, яъни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларни қўллаш доираси кескин камайтириб келинаётганлигини таъкидлаш жоиздир.

Аксарият ҳолларда, бундай жазоларнинг кўзланган мақсадга эришишдаги ўрни кам эканлиги намоён бўлмоқда. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддасида белгиланган жиноятлар рецидивининг жиноят-ҳукукий жиҳатларига оид масалаларни ўрганиш зарурати мавжуддир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси миқёсида рўйхатга олинган рецидив жиноятларга оид 2001 – 2011 йиллардаги маълумотлар таҳлили,

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 19.

² Жамолов Б.Ў. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштириш судда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим шарт. / “Инсоннинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи: назария ва амалиёт муаммолари” мавзусидаги тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, 2003. – Б.32.

рецидив жиноятлар 2001 йилда 12171та, 2002 йилда 13346 та, 2003 йилда 13176 та, 2004 йилда 12824 та, 2005 йилда 12564 та, 2006 йилда 12663 та, 2007 йилда 12249 та, 2008 йилда 12319 та, 2009 йилда 11580 та, 2010 йилда 11288 тани, 2011 йилда 10609 тани ташкил этганлигини¹ кўрсатади.

Юқоридаги статистика маълумотлари бу кўрсаткичнинг йилдан йилга камайганини кўрсатмоқда. Бироқ рецидив жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражаснинг юқорилиги уни ўрганиш зарурлигидан далолат беради.

Биз тадқиқ этган ушбу мавзу юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ўтказилган сўров натижасига кўра, тергов қилинган жиноятларда рецидив жиноятчи шахсининг олдинги судланганлик ҳолати 38% олиб ташланган, 42 % судланганлик ҳолати олиб ташланмаган, 20 % судланмаган (такроран жиноят содир этган) шахслардир².

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан аниқланган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, муқаддам судланган шахслар 2013 йилда 89656 тани, 2012 йилда эса 84070 тани ташкил этиб, бу ҳолатни 6,6 фоизга ўсганини кўриш мумкин.

Шулардан маъмурий назорат қонун таъсири остига тушувчилар 2013 йилда 10070 тани, 2012 йилда 9003 тани ташкил этиб, 11,9 фоизга ўсган. Бунда ўта хавфли рецидивистлар 2013 йилда 1157 тани, 2012 йилда 966 тани ташкил этиб 19,8 фоизга ўсган. Маъмурий назоратда тўрганлар эса, 2013 йилда 3898 тани, 2012 йилда 3726 тани ташкил этиб, 4,6 фоизга ўсган³.

Дарҳақиқат, жиноятлар рецидивининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини қиёсий ўрганиш, унга оид адабиётлар ва мутахассислар фикрларининг таҳлили унинг такрорий жиноят содир этишдан фарқлари ва ўхшаш жиҳатларини ажратиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Умумий юрисдикция судларининг 2013 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. - Тошкент, 2013. – Б. 85–97.

² Қаранг илова №1. 7 банд.

³ Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг 2013 йилги статистик маълумотлари.

имконини берди, шу билан биргаликда мазкур масала борасида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Диссертация ишида айнан жиноятлар рецидивининг жиноят-хукукий жиҳатлари ҳозирда қандай ҳал этилиши ва нималарга эътибор бериши кераклиги ёритилган. Агар биз жиноятлар рецидивининг жиноят-хукукий жиҳатлари масаласини яна бир долзарб жиҳатига тўхталадиган бўлсак шуни айтиш мумкинки, судланганликнинг хукукий оқибатлари натижасида шахс ва унинг фарзандлари ҳам жабр кўриши мумкин.

Жиноятлар рецидивининг жиноят-хукукий жиҳатларининг назарий ва амалий қоидаларини ўрганиб шундай хулосага келдикки, унинг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасида мазкур масалани илмий ўрганишнинг ниҳоятда зарурлиги, бу соҳада кўплаб ислохотлар амалга оширилаётганлигига қарамай, ушбу мавзунинг жиноят-хукукий жиҳатларига бағишланган айрим комплекс монографик тадқиқотлар олиб борилган бўлсада (Ш. Умидиллаев, З. Нуриллаева, М. Усмоналиев, М.Жиянов ва бошқаларнинг ишида), аммо рецидивининг жиноят-хукукий жиҳатларига доир масалалар тўлиқ ёритилмаганлиги;

иккинчидан, жиноятлар рецидивининг жиноят-хукукий жиҳатлари билан боғлиқ масалаларнинг илмий ва назарий жиҳатларини ўрганиш заруратининг мавжудлиги;

учинчидан, рецидив жиноят учун жавобгарлик ва жазо тайинлашда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва Жиноят кодексини такомиллаштиришга доир таклифлар ва тавсиялар бериш заруратининг борлиги;

тўртинчидан, жиноятлар рецидивига доир амалиётда мавжуд бўлган, ушбу жиноятларни квалификацияси билан боғлиқ масалаларга доир камчиликларни бартараф этишга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқиш зарурлигидир.

Юқоридагилар ушбу магистрлик иши доирасида кўриб чиқиладиган муаммоларнинг долзарблиги ҳамда уни олдини олиш борасида амалга ошириладиган вазифалар суд-ҳуқуқ ислохотлари билан ҳамоханг эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Жиноятлар рецидивининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларига доир ҳуқуқий муносабатлар тадқиқотнинг объектидир.

Тадқиқот предмети: а) Ўзбекистон Республикасининг тадқиқот объектига доир қонунлари ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлари; б) рецидив жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва рецидив жиноятларни тўғри квалификация қилишга оид мавжуд илмий асарлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади жиноятлар рецидивининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларига оид масалаларни жумладан, назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиб, аниқланган муаммоларнинг ечимини топишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят тушунчасини таҳлил этиш;

рецидив жиноятнинг бир қанча жиноятларнинг бир тури сифатида ва улар тизимида тутган ўрнини аниқлаш;

рецидив жиноятларнинг турларини таҳлил этиш;

хавфли рецидив ва ўта хавфли рецидив жиноят тушунчасига аниқлик киритиш;

рецидив жиноят учун жавобгарлик ва жазо тайинлаш масалаларини таҳлил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси тегишли моддаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида белгиланган рецидив жиноятнинг ўзига хос жиҳатларини ўрг¹аниш ва қиёсий таҳлил этишдан иборатдир.

Таҳқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

- рецидив жиноят тушунчаси таҳлил этиб, унга тегишли муаллифлик таърифини бериш;

- рецидив жиноятнинг бир қанча жиноятлар тизимида тутган ўрнини аниқлаш;

- рецидив жиноятларнинг оддий, хавфли ва ўта хавфли турларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

- рецидив жиноят учун жазо тайинлаш масалаларини илмий ва амалий таҳлил этиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини такомиллаштириш бўйича таклиф ва суд амалиётини яқшилашга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

- рецидив жиноят учун жавобгарлик ва жазо тайинлашга доир айрим хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш асосида хулосалар қилиниши таъминланади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Жиноятлар рецидивининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари мавзуси бўйича изланишларнинг айрим жиҳатлари республикаимиз олимларидан Қ.Р. Абдурасулова, М. Ҳ. Рустамбоев, М.Усмоналиев, Й.М. Каракетов, Ш. Умидуллаев., М.Жиянов, А.К. Иркаходжаев, У.Ш. Холикулов ²ларнинг асарларида ўрганилган.

² Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2006. – 124 б.; Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.2. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. – Б. 54.; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. “ИLM ZIYO” Т. 2006. –Б. 532. ; Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. — Т., “Янги аср авлоди”, 2005, 328 бет.; Усмоналиев М. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари Т.: Янги аср авлоди. 2011 й. –Б. 12; Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. - Т. “Янги аср авлоди”. 2001, 24-бет.; Жиянов М. Такроран жиноят содир этиш тушунчаси ва белгилари // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2004. – № 6. – Б. 44-45. Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. - Тошкент: ТДЮИ, 2007.- Б. 49-50.; Каракетов Й.М., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 189 бет.

Агафонов К.Л., Бузынова С.П., Бытко Ю.И., Гришанин, Иващенко А.В., Яковлев А.М., Кинге Х., Панько К.А., Кузнецова Н.Ф., Каиржанов Е.И., Накипов Б., Попов В.И., Паше-Озерский Н.Н., Шаймерден огли М.Р.¹лар каби қатор хорижлик олимлар ушбу мавзунинг турли жихатларини ёритганлар.

Ҳозирга қадар мамлакатимизда ушбу мавзуга оид алоҳида тадқиқот Ш. Умидуллаев томонидан олиб борилган бўлсада, ушбу мавзунинг жазо тайинлаш ва айрим хорижий давлатлар жинойт қонунчилигида рецидив жинойтлар учун жавобгарлик масалалари ўрганилмаган. Олимлар томонидан жинойтлар рецидивининг жинойт-ҳуқуқий жихатларининг айрим масалалари илмий асослантирилиб, фойдали хулосалар ишлаб чиқилганига қарамай, мавзунинг барча жихатлари тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тизимли, мантиқий, (анализ, синтез), формал-ҳуқуқий, статистик усулларида, шунингдек, социологик сўровлар ўтказиш, жинойт иши материалларини таҳлилий ўрганиб чиқиш каби услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг тўлиқлиги ва ишончилигига, жинойтлар рецидивининг жинойт-ҳуқуқий жихатларини назарда тутувчи ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилиш ва шарҳлашдан иборат бўлган мантиқий-юридик методдан; Ўзбекистонда рецидив жинойт учун жазо тайинланиш

¹ Агафонов К.Л. Рецидив преступлений: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 1974. – 9-б.; Бытко Ю.И. Учение о рецидиве преступлений в Российском уголовном праве: история и современность: Автореф. дис. докт. юрид. наук. Нижний Новгород, 1998.с.35.; Гришанин П.Ф. Социально-правовые проблемы борьбы с рецидивной преступностью. – М., 1981. – 5-б.; Бузынова С.П. Уголовно-правовое понятие рецидива и его виды // Проблемы уголовно-правовой борьбы с преступностью. – М., 1999. –35-б.; Иващенко А.В. Многократные рецидивисты, не признанные особо опасными; криминологический и уголовно-правовой аспект: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Томск, 1986. – 9-б.; Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. – М., 1964. – 8-б.; Кинге Х. Понятие рецидива преступления в уголовном праве и криминологии // Труды по правоведению. – Тарту, 1975. – 63-б.; Каиржанов Е.И., Накипов Б. Рецидивная преступность: состояние и профилактика-Алматы. Государственный следственный комитет, 1996. с. 232.; Панько К.А. Рецидив преступлений и механизм правового регулирования ответственности рецидивистов: Автореф. дис... докт. юрид. наук. – Киев, 1991. – 21-б.; Кузнецова Н.Ф. Рецидивная преступность: понятие и криминологическая характеристика / Ниедре А.М. и др. – Рига, 1983. – 10-11-бетлар.; Попов В.И. Особо опасный рецидив и его предупреждение органами внутренних дел. – Киев, 1995. – 11-б.; Паше-Озерский Н.Н. Общественность в борьбе за предупреждение рецидива // Роль общественности в борьбе с преступностью. – Воронеж, 1990. – 185-б.; Шаймерден огли М.Р. Проблемы исполнения наказания в исправительных учреждениях в отношении рецидивистов, совершивших преступление в несовершеннолетнем возрасте. Автореф. канд.юрид. наук, 1999, стр. 24.

тўғрисидаги 2007-2013 йилларга доир маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни ўз ичига оловчи статистик методдан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар жиноят ҳуқуқи фани назариясини бойитишга муайян ҳисса қўшади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Қолаверса, бошқа хорижий давлатлар ЖКда жиноятлар рецидивининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари қандай тартибга солинганлиги, унинг ўзига хос янгиликлари ва ўзига хосликларни ҳам ўрганиш имконини беради. Шунингдек, жиноят қонунинг ушбу нормаларини амалда қўллашдаги муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш, амалиётини такомиллаштириш яхшилаш юзасидан тавсиялар шакллантирилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, жиноятлар рецидивининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларига оид назарий, ҳуқуқий ва амалий масалалар жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан комплекс тадқиқ этилди. Натижада жиноятлар рецидивига қарши кураш борасидаги жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммоларнинг ўзига хос ечими сифатида янги, яъни “рецидив”, “хавфли рецидив”, “ўта хавфли рецидив” тушунчалари, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга доир илмий назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар, шунингдек жиноятлар рецидиви учун жавобгарлик белгилаш борасида янги ёндашувлар шакллантирилган ва асосланган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, 7 та параграфни ўз ичига олган, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 80 бетни ташкил этади. Илмий ишни ёзишда 70 га яқин манбадан фойдаланилган.

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят тушунчаси ва унинг белгилари

Рецидив жиноятлар муаммоси ғоят мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, унинг тушунчаси турли йўналишдаги фан вакиллари томонидан турлича талқин қилинади.

Дарҳақиқат, “Рецидив” сўзи латинча (ресидивус)дан олинган бўлиб, “қайталовчи”, “янгиланувчи” деган маънони билдиради¹. У бир қанча жиноят содир этишнинг хавфлироқ шакли ҳисобланади. Жиноят қонуни рецидив жиноятлар сифатида шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этишини тан олади (ЖК 34-моддаси биринчи қисми.). Ўша ҳолат, яъни шахс судлангандан кейин ҳам янгидан жиноят содир этса, бу унинг юқори даражада ижтимоий хавфлилигидан дарак беради. Қонунда бу ҳисобга олинади ва Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари рецидивнинг алоҳида турлари жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилади². Такроран жиноят содир этиш маҳкумнинг шахсини тавсифлаш учун ҳам муҳим, шунингдек тарбиявий ишларини ташкил этишда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида рецидив жиноят тушунчасининг берилганлиги ва бу туркумдаги жиноятларни аниқ таснифланганлиги жиноят ҳуқуқида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

¹ Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. - Т. Янги аср авлоди. 2001.- Б.9.

² Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 261.

1959 йили қабул қилинган Жиноят кодекси Умумий қисмида рецидив жиноят тушунчаси берилмаган бўлиб, Ўзбекистон ССР нинг 1961 йил 30 май Қонуни билан ушбу кодексга “Алоҳида хавфли рецидивист” номли 23¹-моддаси киритилди¹. Ушбу модда 5 та қисмдан иборатдир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилишича, илгари давлатга қарши алоҳида хавфли жинояти (54-м., 63-м.), бандитизм (67-м.), ахлоқ тузатиш – меҳнат муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар (67- м, 1-қ.), қасддан одам ўлдириш (80,81-м) қасддан баданга оғир шикаст етказиш (88-м.), номусга тегиш (94-м.), давлат ёки жамоат мулкани кўп ёки жуда кўп миқдорда талон-тарож қилиш (114-м. 3-қ., 115-м. 3-қ. 117- м., 3-қ., 118-м. 3 –қ., 119-м. 3-қ., 119-1-м.) давлат ёки жамоат мулкани ёхуд граждaнларнинг шахсий мулкани эгаллаб олиш мақсадида босқинчилик қилиш (116 ва 127-м.) учун судланган ҳамда шу кўрсатилган жиноятларнинг бири учун биринчи марта судланганидан қатъи назар, яна шу жиноятлардан бирортасини содир қилган шахс суд ҳукми билан алоҳида хавфли рецидивист, деб топилиши мумкин².

Бундан ташқари, шахсни алоҳида хавфли рецидивист, деб топиш тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти борасида ва ашаддий жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида, 1963 йил 3 июлда СССР Олий Суди Пленуми “Шахсни алоҳида хавфли рецидивист деб таниш бўйича суд практикаси тўғрисида”ги 8-сонли, 1965 йил 29 декабрда эса, “Судларнинг ашаддий жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни йўқотиш тўғрисида”ги 11-сонли ва 1970 йил 18 мартда “Судларнинг ашаддий жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолияти ҳақида”ги 2 – сонли қарорларини қабул қилди.

¹ Ўзбекистон ССР нинг Жиноят кодекси (1962 йил 1 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан). – Тошкент: Ўздавнашр, 1962. – Б.–13.

² Ўзбекистон ССР нинг Жиноят кодекси (1962 йил 1 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан). – Тошкент: Ўздавнашр, 1962. – Б. 13–14.

1959 йилги Жиноят кодексида рецидив жиноят тушунчаси берилмаганлиги туфайли олимлар ушбу тушунчани турлича талқин қилиб келдилар.

1994 йилги Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддасида рецидив жиноят учта турга бўлиб таснифланди: модданинг биринчи қисмида рецидив жиноятнинг умумий жиноят-ҳуқуқий тушунчаси берилди. Унга кўра, “Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади”.

Рецидив жиноят бир қанча жиноятларнинг энг хавфли шакли бўлиб, илгариги қасддан қилган жинояти учун муайян турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин, шахс томонидан қасддан янги жиноят содир қилганликдан иборатдир. “Шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади”¹.

Бизнингча рецидив жиноятига тўлиқ таъриф берилиши лозим, бу эса суд амалиётида юзага келаётган камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Шунингдек, рецидив жиноят қилган шахсни такрор жиноят содир этган шахсдан фарқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва жиноят ҳуқуқи назариясида рецидив жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва шахснинг судланганлиги билан боғлиқ ҳолда, уни такрор содир этилган жиноятлардан фарқлаш мумкин. Аммо, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси биринчи қисмида рецидив жиноятга тўлиқ таъриф берилмаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси биринчи қисмида рецидив жиноятга тўлиқ таъриф берилиши такрор содир этилган жиноятдан фарқлашда муҳим рол ўйнайди.

¹ Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. —Т.; Янги аср авлоди. 2010. – Б. 327.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддаси биринчи қисми дицпозициясини қуйидагича ўзгартиришни таклиф этамиз.

Жумладан, **“Шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан яна жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади”**.

Бу борада хорижий давлатлар таҳлилини кўриб чиқадиган бўлсак, яъни Латвия Республикаси жиноят кодексининг 27-моддасида ҳам рецидив жиноятга худди шундай таъриф берилган бўлиб¹, ушбу таъриф ҳам рецидив жиноят тушунчасини тўлиқ қамраб олган.

Ушбу таърифни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 16-банди иккинчи қисмига ҳам киритишни таклиф этамиз.

Рецидив жиноят асосан қуйидаги учта:

- а) жиноят-ҳуқуқий;
- б) криминологик;
- в) пенитенциар жиҳатдан ўрганилади.

Рецидив жиноятнинг жиноят ҳуқуқий, криминологик ва жиноят-ижроия ҳуқуқий (пенитенциар) тушунчалари бир-биридан фарқ қилади.

Жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят юридик факт сифатида ўрганилса, криминологияда ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ қилинади. Рецидив жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:

- а) илгари жиноятнинг қасддан содир этилганлиги;
- б) илгари содир этилган жинояти учун шахснинг, албатта, судланганлиги;

¹ Уголовный кодекс Латвийской Республики / науч. ред. и вступ. статья канд. юрид. наук А. И. Лукошева и канд. юрид. наук Э. А. Саркисова. Перевод с латышского канд. юрид. наук А. И. Лукошева. – СПб. : Юридический центр Пресс, 2001 – 313 с. Е-маэл: izdat@hotmail.com Е-маэл: izdatspb@mail.ru <http://www.urcenter.newmail.ru>, 2-г, 64-67 с.

в) кейинги жиноятнинг ҳам қасддан содир этилганлиги;

г) кейинги жиноятни, албатта, олдинги жиноят учун судланганидан кейин содир этилганлиги.

Қилмишда ана шу белгилардан биттасининг бўлмаслиги унинг рецидив жиноят эканлигини истисно қилади.

Рецидив жиноятнинг бир қанча жиноятларнинг бошқа шаклларида хавфлироқ эканлиги шундаки, шахсга қасддан қилинган олдинги жинояти учун жиноят қонунида назарда тутилган жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилганлигида ифодаланади. Шахснинг илгариги содир қилган жинояти учун жиноят қонунида назарда тутилган жиноий жазо (мажбурлов чораси) қўлланилганлигига карамай, шахснинг ўз муаммоларини ҳал қилиш учун айнан жиноят йўлини танлаганлигидан далолат беради¹.

Рецидив жиноят содир қилган шахс олдинги жинояти учун жазо тайинланиб, у жазо шахсга етарли даражада таъсир қилмай, яна жиноят йўлига ўтиб олади. Демак, айбдор хулқининг ижтимоий хавфлилик даражаси ошиб кетган ва жамиятнинг бундай шахсларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлишини тақозо қилади ва янги қасддан содир қилган жинояти учун оғирроқ жазо чорасини қўллаш зарурати келиб чиқади. Рецидив жиноят содир қилган шахс, содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси билан диалектик боғлиқликда бўлади. Рецидив жиноят, албатта, илгариги жиноят учун судланганлик билан боғлиқ бўлиб, жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунга кўра, қайси ҳолларда қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш масаласини тўғри аниқлаш кейинги жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда муҳимдир.

ЖК 34, 59, 60- ва бошқа бир қатор моддаларнинг мазмунидан келиб чиқиб қуйидагилар мавжуд бўлганида рецидив жиноят содир этилган, деб топилиши мумкин:

¹Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. —Т.; Янги аср авлоди. 2010. —Б. 329.

- 1) қасддан қилинган жиноят учун ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиш;
- 2) ҳукм қонуний кучга кириб, асосий ва қўшимча жазоларни ўтаб бўлмасдан қасддан янги жиноят содир этиш;
- 3) жазони ўтаб бўлганидан кейин судланганлик муддати ўтиб кетгунча ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан янги жиноят содир этиш;
- 4) шартли ҳукм қилиниб, синов муддати тугамасдан қасддан янги жиноят содир этиш;
- 5) жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган шахснинг жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этиши;
- 6) жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахс енгилроқ жазони ўташ муддати мобайнида қасддан янги жиноят содир этиши;
- 7) шахсга нисбатан ҳукм чиқарилганидан кейин у ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб, ЖК 69-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса ва қасддан янги жиноят содир қилган тақдирда;
- 8) шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва амнистия акти орқали жазодан озод қилинган (агар амнистия актида жазодан озод қилиш билан бирга судланганлиги ҳам олиб ташланмаган бўлса) ва ЖК 78-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этиш;
- 9) шахс авф этиш асосида жазодан озод қилиниб, авф этиш билан бирга судланганлиги ҳам олиб ташланмаган бўлса ЖК 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этиш;
- 10) ЎзР ЖКнинг 70-моддасида шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш, 71-моддасида эса айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш назарда тутилган.

Рецидив жиноят учун бу масала қандай ҳал этилади. Бунда шахс ана шу моддалар асосида жазодан озод қилинган бўлса 69 ва 78-моддалар назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этилса, қилмиш рецидив жиноят деб ҳисобланадими? Бизнинг фикримизча, бундай ҳолда ҳам шахс судланган ҳисобланади ва қилмиш рецидив жиноят ҳисобланади. Чунки, конунда суд томонидан шахсни жазодан озод қилишнинг ўзи назарда тутилиб, жазодан озод қилиш билан бирга судланганлигини ҳам олиб ташлаш назарда тутилмаган, суд судланганликнинг олиб ташлаш масаласини фақат ЖК 79-моддасида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолдагина ҳал қилади. Ана шу айтилганларга кўра, ЖК 70 ва 71-моддалари асосида жазодан озод қилинган шахслар 78-моддада назарда тутилган муддатлар мобайнида қасддан янги жиноят содир қилган тақдирда ҳам рецидив жиноят содир қилинган деб топилади¹.

Судланганлик муддати давомида қасддан янги жиноят содир этилган қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш учун қандай турдаги жазога ҳукм қилинганининг аҳамияти йўқ. Аммо шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш масаласини ҳал қилишда суд фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганликни ҳисобга олади. Демак, судланганлик муддати шахснинг қандай турдаги жазога ҳукм қилингани билан боғлиқ бўлса, рецидив жиноятда эса, ЖК 43-моддасида назарда тутилган жазолардан бирига ҳукм қилиниб, шу жазони ўташ вақтида ва жазони ўтаб бўлганидан кейин ЖК 78-моддасида назарда тутилган муддатлар мобайнида қасддан янги жиноят содир қилишдан иборатдир.

Содир этилган жиноятни рецидив деб ҳисоблаш учун қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасининг ҳам аҳамияти йўқ. ЖК 34-моддаси мазмунига кўра, қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблашда субъектнинг неча ёшдалиги, яъни вояга етган ёки етмаганлигининг ҳам аҳамияти йўқ.

¹ Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. - Т. Янги аср авлоди. 2001.- Б.24.

Лекин ўта хавфли рецидив жиноят содир қилинган деб топиш масаласи, шахснинг фақат ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилганлиги ва албатта, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлигини ҳисобга олиб, ҳал қилинади.

Бу борада суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлсак, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман суди ҳукмига кўра, 2006 йил 19 декабрь куни, мукаддам судланган Н. аввал, яъни 2004 йил суднинг ҳукми билан ЖК 228-моддаси 1-қ. ва 206-моддаси билан ЖКнинг 59, 61 моддаларига асосан 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлгандан сўнг яна Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми ва 109-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Жумладан, 2006 йил 04 июнь куни тахминан соат 13.00 ларда Н. Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-4 даҳасида жойлашган 2 уй ёнида жойлашган “Отабек” дўкон олдида бўла туриб, собиқ турмуш ўртоғи К. билан келиб чиққан ўзаро келишмовчилик оқибатида, К.ни уриб, тепиб, унга тан жароҳати етказган. Натижада фуқаро К. Кибрай тумани шифохонасига “2-бармоқ суягини бошчаси синиб силжиши” ташхиси билан мурожаат қилган.

Бундан ташқари, яна Н. 2006 йил 07 июль куни тахминан соат 12:00 ларда К.ни уриб, тепиб тан жароҳати етказган. Натижада фуқаро К. ТТЗ касалхонасига “бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши” ташхиси билан мурожаат қилган.

Суд судланувчи Н. нинг ҳаракатлари биринчи эпизод бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 1-қ. яъни қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш деб ва иккинчи эпизод бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддаси 2-қ. билан, яъни қасддан баданга соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказиш, деб тўғри квалификация қилган¹. Ушбу мисолда суд Н. га нисбатан озодликдан

¹ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман судининг №1-462\06-сонли жиноят иши.

махрум қилиш жазосини тайинлаганини ва муқаддам судланганини ҳам эътиборга олган.

Жиноятни рецидив жиноят деб ҳисоблаш масаласи, албатта, судланганлик билан боғлиқ экан, шахс қачондан судланган, ҳисобланади? ЖК 77-моддаси 2-қ. «Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган, деб ҳисобланади», дейилади. Агар ана шу қоидага асосланадиган бўлса, ҳукм чиққанидан то ҳукм қонуний кучга киргунча бўлган вақтда содир этилган жиноятни рецидив жиноят деб ҳисоблаш керакми ёки йўқми? деган ҳақли савол туғилади. Бу масалада ҳам юридик адабиётларда ягона бир фикр билдирилмаган. Аммо ЖК 34 ва 60-моддалари мазмунининг таҳлили асосида жиноят такроран қилинган ёки жиноятлар жамидан иборат, деб ҳисоблаш билан рецидив жиноят деб ҳисоблашнинг чегараси ҳукм эълон қилинган вақт ҳисобланади деган хулосага келиш мумкин. Чунки ЖК 60-моддаси 1-қисмида «Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади», дейилади. Демак, шахснинг қасддан қилган жинояти учун жиноий жазо сифатидаги таъсир чораси қўлланилганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят ҳисобланар экан, қилмишни рецидив жиноят деб топиш масаласи аввалги жиноят учун ҳукм чиқарилганидан кейин содир этилган жиноятларга нисбатан, судланганликни ҳисоблаш масаласи эса ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Бундан ташқари, ЖК 34-моддаси 1-қисмида қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш қасддан содир этилган жиноят учун ҳукм қонуний кучга кирган кундан эмас, балки судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этишни назарда тутди.

Рецидив ва такрорийлик бир-бири билан узвий боғлиқ, бироқ мустақил тушунчалардир. Айбдорнинг илгари содир этган жинояти учун судланганликнинг мавжудлиги такрорийликка сифат жиҳатидан

бошқача мазмун бахш этади ва янги тушунча жиноят рецидивини юзага келтиради.

Бу ерда гап фақат кўп сонли жиноятлар содир этишнинг бошқа турларига таққослаганда рецидивнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқ эканлигида эмас. Бу ерда рецидивнинг ўзига хос белгиси – шахснинг илгари судланганлиги ва ўз қилмишига суд, бинобарин, давлат баҳо берганлиги фактига беписандлиги биринчи ўринга чиқади.

Рецидив тушунчаси, унинг турлари масаласи ҳуқуқ назариясида кўп йиллардан бери ўрганилиб келинади. Шунга қарамай, такрорий жиноят содир этган шахсни рецидивистлар каторига, кўриб чиқиладиган ходисани эса – рецидивга киритиш имконини берувчи белгиларни танлаш юзасидан киритилган муайян тақлифлар ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд.

Масалан, Рустамбоев М.Х.нинг фикрича, “Рецидив жиноят шахс илгари содир қилган жинояти учун судланганидан кейин Махсус қисмнинг бошқа бир моддасида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этишидир. Шу сабабли айбнинг эҳтиётсизлик шаклидаги икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш ҳоллари, гарчи шахс эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун илгари жавобгарликка тортилган бўлса-да, рецидив жиноят деб топилиши мумкин эмас. Мазкур қоида тўла равишда эҳтиётсизлик орқасида ва қасддан жиноят содир этиш ҳолларига ҳам тегишлидир”¹.

Бу тафовутлар муайян даражада объектив хусусиятга эга, чунки “рецидив” тушунчаси турли фанлар: жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноят-ижроия (ахлоқ тузатиш-меҳнат) ҳуқуқи вакиллари томонидан қўлланилади. Тегишли равишда ҳуқуқий (легал), криминологик, пенитенциар рецидив фарқланади².

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т. 2010. Т. 2. 173 бет.

² Карпец И.И. Проблема преступности. – М., 1969. – с.113-115.; Кузнецова Н.Ф. Преступление и преступность. – М., 1969. –С.179.; Рецидивная преступность: понятие и криминологическая характеристика / Ниедре А.М. и др. – Рига, 1993. – с.10-11.

Айни вақтда, фаннинг бир тармоғи доирасида рецидив ва унинг белгиларини аниқлаш борасидаги тафовутлар ҳам анча каттадир. Рецидивни тавсифлаш учун турли муаллифлар томонидан таклиф қилинган белгиларни атрофлича кўриб чиқиш ўринли бўлади. Таҳлилни ҳуқуқий (легал) рецидив тушунчасидан бошлаймиз.

П.Ф.Гришанин рецидив ва рецидивистни тавсифловчи ҳуқуқий белгилар қаторига қуйидаги: 1) айбдорнинг икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этганлиги; 2) айбдорнинг илгари содир этган жинояти учун судланганлик ҳолатининг мавжудлиги; 3) айбдор судланишдан олдин ва кейин жиноятларни қасддан содир этганлигини киритади¹.

Дастлабки икки белги ҳуқуқий рецидивни баҳолашда деярли барча олимлар томонидан қайд этилади².

Учинчи белги хусусида ҳар хил фикрлар илгари сурилган. Масалан, В.Н.Васильченко фикрига кўра, айб шакли рецидив белгиси сифатида фақат судлангандан кейин содир этилган жиноятни баҳолашда ҳисобга олиниши лозим.

Айрим тадқиқотчилар жиноятчи илгари содир этган жинояти учун жазонинг (тўлиқ ёки қисман) ўтаганлигини ҳам рецидивнинг зарур белгиси деб ҳисоблайдилар³.

Баён этилган ёндашувга кўра, маҳкум суд ҳукми қонуний кучга кирган заҳоти такроран жиноят содир этган бўлса, у рецидивист деб

¹ Гришанин П.Ф. Социально-правовые проблемы борьбы с рецидивной преступностью. – М., 1981. – С.5.; Бузынова С.П. Уголовно-правовое понятие рецидива и его виды // Проблемы уголовно-правовой борьбы с преступностью. – М., 1999. –С.35.; Иващенко А.В. Многократные рецидивисты, не признанные особо опасными; криминологический и уголовно-правовой аспект: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Томск, 1986. –С. 9.

² Бытко Ю.И. Учение о рецидиве преступлений в Российском уголовном праве: история и современность: Автореф. дис. докт. юрид. наук. Нижний Новгород, 1998.с.35.; Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. – М., 1964. – С. 8.

³Каиржанов Е.И., Накипов Б. Рецидивная преступность: состояние и профилактика-Алматы. Государственный следственный комитет, 1996. с. 232.; Паше-Озерский Н.Н. Общественность в борьбе за предупреждение рецидива // Роль общественности в борьбе с преступностью. – Воронеж, 1990. – 185-б.; Панько К.А. Рецидив преступлений и механизм правового регулирования ответственности рецидивистов: Автореф. дис... докт. юрид. наук. – Киев, 1991. – С.21. Шаймерден огли М.Р. Проблемы исполнения наказания в исправительных учреждениях в отношении рецидивистов, совершивших преступление в несовершеннолетнем возрасте. Автореф. канд.юрид. наук, 1999, стр. 24.

топилмайди; бироқ маҳкум орадан ўн кун ўтгач, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойида жиноят содир этиши уни рецидивистга айлантиради. Бу фикрга қўшилиш қийин. Бизнинг назаримизда, В.И.Поповнинг қуйидаги фикри тўғрироқ: "...муддатли жазонинг самарасизлиги суд томонидан тайинланган муддат тўлиқ ўтмагунича қайд этилиши мумкин эмас. Такрорий жиноятни рецидив деб топишнинг шарти сифатида жазони тўлиқ ўташ талаби қонунга ва рецидив жиноятчиликка қарши кураш амалиётига зиддир"¹.

Бизнингча ҳам муддатли жазонинг самарасизлиги суд томонидан тайинланган муддат тўлиқ ўтмагунича қайд этилиши мумкин эмас. Бу эса ўз навбатида рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Демак, жазони ўтаганлик (яъни маҳкумга тарбиявий таъсир кўрсатилганлик) факти эмас, балки шахснинг жазога ҳукм этилганлиги ва суд томонидан унинг қилмишига салбий баҳо берилганлиги муҳимроқдир. Бу ёндашувнинг тасдиғи сифатида жиноят қонунидаги ўта хавфли рецидивист тушунчасига берилган таърифга мурожаат этамиз. Мазкур таърифда шахснинг жазони тўлиқ ёки қисман ўтаганлиги эмас, балки шахс содир этган жиноятларнинг хусусияти, судланганликнинг сони, шунингдек, тайинланган жазо эътиборга олинган (ЎзР ЖК 34, 56-моддаларига қаранг). Бинобарин, жазони ўтаганлик фактидан рецидивни аниқлашда эмас, балки унинг турларини таснифлашда фойдаланиш мумкин.

Айрим муаллифлар шахсни рецидивист деб топишни фақат оғир жиноятлар содир этиш² ёки оғирлик даражаси бир хил бўлган жиноятлар содир этиш³ ёхуд турдош ва ҳатто бир хил жиноятлар содир этиш⁴ билан боғлайдилар. Бошқа таклифлар ҳам мавжуд бўлиб,

¹ Попов В.И. Особо опасный рецидив и его предупреждение органами внутренних дел. – Киев, 1995. –С. 11.

²: Ткачевский Ю.М. Досрочное освобождение от наказания. – М., 1992. –С. 49.

³ Паше-Озерский Н.Н. Общественность в борьбе за предупреждение рецидива // Роль общественности в борьбе с преступностью. – Воронеж, 1990. – С.185.;

⁴ Шляпочников А. Некоторые вопросы борьбы с преступностью // Советская юстиция. 1957. –С. 41.

уларнинг мазмуни айбдор рецидивист деб топилиши учун у олдинги ва кейинги жиноятлари учун албатта озодликдан маҳрум қилинган бўлиши керак¹.

Юқорида санаб ўтилган белгилардан рецидивни аниқлаш учун эмас, балки унинг айрим турларини таснифлаш учун фойдаланиш лозим. Тадқиқотлар ўхшаш ва ҳатто бир хил (махсус) рецидив рецидивистларга хос эмаслигини кўрсатади. Уларнинг кўпчилиги ҳар хил жиноятларни содир этади². Албатта, махсус рецидив шахс ғайриижтимоий хулқ– атворнинг барқарорлигидан далолат беради, бироқ ҳар хил жиноятлар содир этганлик учун уч ёки тўрт марта озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган шахслар ҳам ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Яъни жиноят субъектининг ғайриижтимоий хулқ–атвори, мойилликлари ва одатларининг барқарорлиги нафақат ўхшаш, балки ҳар хил жиноятлар содир этишда ҳам намоён бўлади.

Рецидив ҳақидаги жиноят-ҳуқуқий адабиётларни ўрганиш бу муаммонинг жуда кўп масалалари бўйича ягона фикр йўқлигини кўрсатади. Ана шундай баҳсли масалалардан бири рецидивнинг тушунчаси ва моҳияти ҳақидаги масаладир. Адабиётларда рецидивга берилган таърифга асосланиб, рецидив ҳақидаги фикрларни ўрта гуруҳга бўлиш мумкин.

Баъзи олимлар рецидив деганда, бир шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилишини (шахснинг аввал содир қилган жинояти учун судланганлигидан қатъи назар), яъни ҳақиқатда мавжуд рецидивни асос қилиб олиш керак деб ҳисоблайдилар³.

Кўпчилик олимлар ва амалиёт ходимлари эса рецидив тушунчасига тўхталиб, рецидив деганда аввал судланган ва судланганлиги бе-

¹ Агафонов К.Л. Рецидив преступлений: автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 1974. – С.9.

² Михлин А., Рамазин С. Пути совершенствования законодательства о борьбе с рецидивом // Социалистическая законность. 1984. № 3. –С. 73.

³ Никифоров Б.С. О рецидиве и судимость//Советское государство и право. -1957. -№5. –С. 11; Степичев С. Нужен ли институт судимости?//Социалистическая законность. -1965. -№9. –С. 16.

кор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахс томонидан жиноят содир этилишини тушунадилар, яъни легал рецидив позициясини қўллаб-қувватлайдилар¹.

Яна бир қатор олимлар эса фақат аввал судланган шахс томонидан эмас, балки жазони бутунлай ўтаб чиққан шахс² ёки жазони қисман ўтаган шахс³ томонидан ҳам жиноят содир этилса, рецидив бўлади дейдилар.

Иккинчи нуқтаи назар, яъни рецидивнинг тушунчаси ва моҳияти ҳақидаги легал рецидив амалдаги қонунимизга мос келади ва биз бу фикрга бутунлай қўшиламыз.

“Рецидив жиноятчилик бир қанча жиноят ичида хавфлироқ шакли ҳисобланиб, муқаддам судланган фуқароларнинг янги жиноят содир этиши унинг ҳулқ-атворини ижтимоий ҳаётга қарши жиноятларни барқарорлашишини гувоҳи эканлиги”⁴ни таъкидлайдилар.

Масалан, кўп ҳолларда характери кучли, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, ўзининг сифатлари билан бошқаларни жалб қилаоладиган, фавқулодда қобилиятли шахслар жиноятчилик йўлига кирадилар. Ва улар кейинчалик рецидивистга айланадилар.

Рецидив тушунчасини фақат оғир жиноятлар содир этиш ёки айбдор жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилинганлиги шартлари билан чегаралашга уринишларни ҳам ўринли деб бўлмайди. Криминологик тадқиқотлар кўпгина ашаддий жиноятчилар ўз жиноий фаолиятини ижтимоий хавфлилик даражаси унча катта бўлмаган жиноятлардан бошлаганлигини⁵ ва аксинча, рецидивистларнинг асосий

¹ Кудрявцев В.Н. Теоретические основы квалификации преступлений. –М., 1963. –С. 314; Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью =. –М., 1993. –С. 34; Кунашев А.Х. Уголовная ответственность за рецидив преступлений по уголовному праву. Автореф.канд.дисс. –М., 1970. –С. 10.

² Шагородский М.Д. Наказание по советскому уголовному праву. –М., 1958. –С. 43.

³ Галиакбаров Р., Ефимов М., Фролов Е. Множественность преступных деяний, как институт советского уголовного права//Советская юстиция. -1967. -№ 2. –С.2. и др.

⁴ Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Тошкент: ТДЮИ, 2007.- Б. 49-50.

⁵ Кривошеин П.К. Повторность в советском уголовном праве: автореф.дис... докт.юрид.наук. – М. 1990. –С. 23.

таркибига кейинги жиноятларнинг хавфлилик даражасини пасайтириш хослигини¹ кўрсатади. Шу боис кўпгина унча оғир бўлмаган такрорий жиноятларни “рецидив” тушунчаси доирасидан чиқариш ва фақат оғир ёки турдош жиноятларни ҳисобга олиш рецидивга тўғри баҳо бериш имкониятларини сезиларли даражада камайтиради.

Шундай қилиб, жиноятлар рецидивини икки асосий белги: такрорийлик ҳамда судланганликнинг мавжудлигига эга бўлган кўп сонли жиноятлар содир этиш турларидан бири сифатида таърифлаш мумкин².

Бизнингча, жиноятлар рецидивининг мазкур умумий тавсифи атрофлича ёритилиши лозим. Акс ҳолда муайян шахсни рецидивист деб топишга юзаки ёндашиш, ҳар хил тоифадаги рецидивистларни тенглаштиришга имкон беради.

1.2. Рецидив жиноятнинг бир қанча жиноятлар тизимида тўтган урни

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида бир қанча жиноят содир этишнинг уч тури назарда тутилган :

- а) такроран жиноят содир этиш
- б) жиноятларнинг жами
- в) рецидив жиноят

Жиноятларнинг бундай турларга ажратилиши уларнинг ўзига хос хусусиятига қараб фарқланган. Жиноятларнинг бундай ўзига хос хусусияти уларнинг бирини иккинчисидан фарқлаш имконини беради.

¹ Блувштейн Ю.Д. О некоторых закономерностях рецидивного поведения (модель "эволюции" рецидивной преступности) // Сб. научных работ ЛитНИИСЭ. – Вильнюс, 1990. Вып. 6. –С. 198.; Зелинский А.Ф. Рецидив преступлений (структура, связи, прогнозирование): автореф. дис.... докт. юрид. наук. – М. 1978. –С. 13.

² Малков В.П. Множественность преступлений и ее формы по советскому уголовному праву. – Казань, 1982. – С.91.; Кафаров Т.М. Кўрсатилган асар. – С.25.; Караев Т.Э. Повторность преступлений. – М., 1983. –С.29.; Попов В.И. Кўрсатилган асар. –С.20.; Алиев Н.Б. Повторность и рецидив преступлений по советскому уголовному праву. –Махачкала, 1978. –с. 68-69.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида такроран жиноят содир этиш деганда, ушбу Кодекс Махсус қисмининг битта моддасида ёки бир моддасининг битта моддасида назарда тутилган, алоҳида кўрсатилган ҳолларда ушбу кодекснинг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятларни турли вақтларда содир этганлиги ва шахс ушбу қилмишларнинг бирортаси учун судланмаган бўлиши белгиланган. Башарти шахс қилмиши учун жиноий жавобгарликдан ёки жиноий жазодан озод қилинган бўлса, унинг қилмиши такроран жиноят содир этиш деб топилмайди. Такроран жиноят содир этишнинг бошқа жиноятларни ва бир қанча жиноятларни содир этишдан фарқловчи ўзига хос хусусиятлари:

1) жавобгарликка тортиладиган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этилганлиги;

2) қилмишларнинг турли вақтларда содир этилганлиги;

3) қилмишларнинг биронтаси учун судламаганлиги;

4) жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинмаганлиги;

5) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетмаганлиги;

6) ушбу қилмишларнинг ягона қасд ва мақсад билан қамраб олинмаганлиги;

7) қилмишларнинг ушбу Кодекс Махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг битта қисмида назарда тутилган бўлишидир. Жиноят қонунчилигида такроран жиноят содир этиш институти шуниси билан характерланадики, шахс такроран жиноят содир қилганда ижтимоий хавфли қилмишни бир эмас, балки бир неча маротаба содир этади. Бу эса ўз-ўзидан мазкур шахс ва у содир этган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини янада оширади. Рецидив жиноятда эса, шахс судланиб, яна жиноят содир этиш масаласи ва унинг ижтимоий хавфлилигининг ошиши уни бир биридан фарқлайди.

Такроран жиноят содир этиш жиноят ҳуқуқида ўта муҳим ва мураккаб масала бўлишига қарамай, давлатимизнинг янги жиноят қонуни

кабул қилингунга қадар жиноят ҳуқуқи назарияси ва тергов-суд амалиётида турлича талқин қилинган ва жиноят ишларининг турлича ҳал этилишига сабаб бўлиб келган. Натижада суднинг қўпол хатоликларига йўл қўйилган, қонунийлик принципи бузилган, бу эса ўз навбатида аҳоли томонидан ўринли эътирозларга сабаб бўлган¹.

Такроран жиноят содир этиш тушунчасига нисбатан ҳуқуқшунос олимлар орасида турлича қарашлар мавжуд. Профессор М.Ҳ.Рустамбоев такроран жиноят содир этиш тушунчаси ҳақида сўз юритар экан, унинг бир канча жиноятлар тизимида ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этиб, уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилишини қайд этади². Бизнингча, М.Ҳ.Рустамбоев такроран жиноят тушунчасига бундай таъриф берганда ҳақ эди. Чунки, у айнан жиноят қонунида келтирилган таърифнинг ўзигина такроран жиноят содир этиш тушунчасини англатишини тўғри таъкидлайди³.

М.Усмоналиев ҳам такрорий жиноят тушунчасига амалдаги жиноят қонунчилигида мустақамланган тушунчадан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таъриф бериб ўтади: “Жиноят кодекси Махсус қисмининг айни бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади”⁴.

Республикамиз олимларидан А.К.Иркаходжаев ва У.Ш.Холикуловлар “Такроран жиноят содир этиш деганда, илгари муайян жиноят содир этган шахс томонидан қилмишнинг ҳуқуқий оқибатлари олиб ташланмасдан янги жиноят содир этилиши ҳоллари тушунилиши”ни таъкидлар эканлар,

¹Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. - Тошкент: Илм зиё. 2005. - Б. 310.

² Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. - Тошкент: Илм зиё, 2005. - Б. 311.; Рустамбоев М.Х., Тахиров Ф. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Схема. - Тошкент: ТДЮИ, 2002. - Б. 45.

³ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. - Тошкент: Илм зиё, 2005. - Б. 310-311.

⁴Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. - Тошкент: Насаф, 2010. - Б. 309.

такроран жиноят содир этишнинг зарурий белгиси сифатида шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг кетма кет ҳамда турли вақтларда содир этилиши, уларнинг бир-биридан вақт бўйича ажратилиши, яъни уларнинг ҳар бири кейингисидан кичик бўлса-да, муайян вақт оралиғи билан ажралиб туришини таъкидлайдилар¹.

Ш.Ё.Абдукодиров ва У.М.Мирзаевлар такроран жиноят содир этиш тушунчасига таъриф беришдан олдин “такроран” тушунчаси бир ҳаракатни икки ёки кўп марта қайтадан содир этилишини англатишидан келиб чикиб, бир хилдаги иккита ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилишини такроран жиноят содир этиш, дея таъриф бериб ўтадилар. Бизнингча, мазкур таърифнинг ЖК 32-моддасида келтирилган таърифга зид бўлган бирор-бир жиҳати кўзга ташланмасада, нисбатан торроқ таъриф ҳисобланади. Зеро, ЖКнинг 32-моддасида қонун чиқарувчи такроран жиноят содир этилиши учун айнан қандай шартларнинг бўлиши лозимлигини ҳам назарда тутди (жиноят содир қилган шахснинг илгари судланмаган бўлиши, жиноятнинг ягона қасд билан қамраб олинган бўлиши ва.х.к)².

Ф.Тахиров номусга тегиш жиноятининг такроран содир этилиши дейилганда, бир ёки икки маротаба зўрлик ишлатиб, жинсий алоқа қилишга тайёргарлик кўриш ёки унга суиқасд қилинганидан кейин жинсий зўрлик содир этилишини тушунади. Шу билан бирга шахс муқаддам зўрлик ишлатиб жинсий алоқа содир этган, кейинроқ жиноятга суиқасд қилган бўлса ҳам, жинсий зўрлик такроран содир этилган деб ҳисобланишини қайд этади³.

Фирибгарлик жиноятини таҳлил қилган олим А.П.Аллабергенов шахсни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш билан ўзгалар мулкига

¹Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. - Тошкент: ТДЮИ, 2007.- Б. 49-50

² Абдукодиров Ш.Ё, Мирзаев У.М. Мулкни талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. - Тошкент: ТДЮИ, 2009. - Б. 84.

³ Тахиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. док. ...дис. автореф. - Тошкент, 2007.

зарар етказгандан кичик фирибгарлик жиноятини содир этса, такроран фирибгарлик содир қилинган деб ҳисобланиши кераклигини таъкидлаган¹.

Р.А.Зуфаров порахўрлик жиноятларининг такроран содир этилганлигини квалификация қилиш мураккаб масала эканлигини таъкидлаб ўтиб, ушбу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда асосий эътибор пора берилаётган шахсларнинг умумий манфаатига ёки алоҳида манфаатига қаратилиши лозимлигини қайд этади².

Такроран жиноят содир этиш тушунчасига юқорида келтирилган таърифларга айланиб ўхшаш таърифни келтирар экан, Э.Х.Норбўтаев жиноят қонунчилигининг ижтимоий адолат тамойилларига мос келмаслиги туфайли такроран жиноят содир этиш тушунчасидан бутунлай воз кечиш лозим³, деган фикрни ўртага ташлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15-майдаги 13-сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорига кўра, “Жиноятлар такроранланганлиги деганда, қонунга кўра, шахс томонидан турли вақтларда қасддан содир этилган икки ва ундан ортиқ жиноят тушунилиб, бунда содир этилган жиноят:

- Жиноят кодекси Махсус қисми айланиб бир моддасида назарда тутилган бўлиши, башарти унда бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса;

- Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айланиб бир қисмида назарда тутилган бўлиши, башарти ушбу моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган (масалан, ЖК 228, 248, 273 - моддалари) бўлса” бас.

Бир қанча жиноятларнинг иккинчи тури сифатида жиноятлар жами – ушбу кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки бир

¹ Аллабергенов А.П. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик./Маъсул муҳаррир га.ф.н., доц. Б.Ж.Ахраров. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б. 67.

² Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик./Маъсул муҳаррир М.Х.Рустамбоев - Тошкент ТДЮИ, 2004.- Б. 106-111.

³ Норбўтаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. - Тошкент, 1991. - С. 52-59.

моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишларни содир этиш, башарти шахс уларнинг бирортаси учун судланмаган бўлса, жиноятлар жами деб топилади. Жиноятлар жамининг бошқа жиноят ва бир қанча жиноятлардан фарқловчи ўзига хос хусусияти қуйидагилардир:

- 1) қилмишнинг ушбу кодекс Махсус қисмининг турли моддасида ёки бир моддасининг турли бандларида назарда тутилган бўлиши;
- 2) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетмаганлиги;
- 3) қилмишларнинг бирортаси учун шахснинг судланмаганлиги;
- 4) шахснинг жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилмаганлиги;
- 5) қилмишнинг ягона қасд ва мақсад билан камраб олинмаганлиги.

Жиноятлар жамида ҳар бир қилмиш мустақил таркибга эга, такроран жиноятларда эса қилмишларда тажовуз объекти бир хилдир. Агар қилмиш бир модданинг турли бандларида назарда тутилган бўлса шу модданинг оғирроқ қисми учун белгиланган жазо тури тайинланади.

Бир қанча жиноятларнинг ичида рецидив жиноят содир этиш такроран ва жиноятлар жамини содир этишдан тубдан фарқ қилади.

Шунингдек, Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддасида ёки битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни турли вақтларда содир қилиб, айбдор шу жиноятларнинг бирини охирига етказган, бошқаси тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган тақдирда, шунингдек, у жиноятлардан бирини айбдорнинг бир ўзи бошқа ҳолда иштирокчиликда содир этган тақдирда ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Аммо юридик адабиётларда бу масалада турли фикрлар билдирилган. Жумладан М.Муқумова ва М.И.Ткаченколар шахс бир хил жиноятларни турли вақтларда содир қилиб, улардан бири учун жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилганлик учун ёхуд иштирокчиликда содир этишда

айбланиб, жавобгарликка тортилган тақдирда жиноятлар мажмуи деб ҳисоблаш керак¹, - деб ҳисоблайдилар. Биз Б.Матлюбовнинг ушбу ҳолда жиноятлар такроран жиноят содир этиш деб топилиб, такроранлик квалификация қилиш белгисига кўра, битта модда орқали жазо тайинланиши лозим², деган фикрини тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки М.Мукумова ва М.И.Ткаченконинг фикрлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32 - моддасининг 1-қисмига зид ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида номи келтирилган қарорига кўра, “Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, рецидив жиноят бир неча жиноят турлари ичида энг хавфлиси бўлиб, у шахс томонидан жиноий ҳуқ-атвор давом эттирилаётганлигидан далолат беради.

Рецидив жиноят деб топиш учун шахс томонидан муқаддам содир этган жинояти учун судлангандан сўнг янги жиноят содир этилганлиги талаб этилиши туфайли охириги жиноят содир этилган вақтни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ЖПК 528, 531-моддалари мазмунига кўра, шахс унга айблов ҳукми қонуний кучга кирганлиги тўғрисида эълон қилинган пайтдан бошлаб судланган деб топилади.

Ҳукм эълон қилинган вақтдан бошлаб унинг қонуний кучга кирганлиги маҳкумга эълон қилингунга қадар ўтган вақт ичида содир этилган янги жиноят рецидив жиноятни ташкил этмайди”³.

Рецидив жиноятлар ижтимоий хавфлилигига кўра:

а) оддий рецидив

б) хавфли рецидив

¹ Мукумова М.З. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш хусусиятлари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2005. – Б. 42.; Ткаченко М.И. Множественность преступлений. Уголовное право Российской Федерации. – М.: Юристъ. 1999. – 278 с.

² Матлюбов Б. Жиноят ҳуқуқида реал мажмуа тушунчаси ва унинг белгилари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2002. – № 3-4. – Б. 55-57.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15-майдаги 13 сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарори. 16- банд. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. – № 3. – Б. 13.

в) ўта хавфли рецидив турларга бўлинади.

Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан сўнг қасддан янги жиноят содир этиши, рецидив жиноят деб топилади.

Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда, эса махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят, деб топилади.

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти икки марта ҳукм қилинган ёки олдин – кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлари учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши, ўта хавфли рецидив жиноят, деб топилади.

Шахс суд ҳукми билангина ўта хавфли рецидив деб топилиши мумкин. Шахсни ўта хавфли рецидив деб топишда унинг бошқа давлат судлари томонидан ҳам ҳукм қилинганлиги инобатга олиниши мумкин. Шахсни ўта хавфли рецидив деб топишда унинг 18 ёшгача содир этган жинояти учун судланганлигининг, шунингдек қонунда белиланган судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланганлиги инобатга олинмайди. Шахсни рецидив деб топиш қуйидаги ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин:

а) шахснинг қилмиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланишига;

б) жазо муддатининг қисқартирилишига ёки унинг енгилроғига алмаштирилишига тўсқинлик қилинишига;

в) шартли ҳукм белгиланмаслигига;

г) жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташни белгиланишига олиб келиши мумкин.

Рецидив жиноятни содир этган шахс илгари содир этган жинояти учун белгиланган жазони ўтаб чиқиб, тегишли хулоса чиқармасдан қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳам жамият учун жуда катта ижтимоий хавф туғдиради.

Такроран жиноят содир қилиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида субъектнинг жамият учун ўта хавфлилигини билдиради. Инсон ўзида жамиятга ҳилоф қарашлари, ўзига хос ҳаётий йўналиши ёки у ўзини тегишли доирада ушлаб туриш билимларига эга эмаслиги, ғайриижтимоий низоли вазиятларида унинг қароридан қайтара оладиган воситаларнинг йўқлиги туфайли жиноят содир қилади¹.

Бошқача тенг шароитларда қасддан такроран жиноят содир қилиши шахснинг онгида ва руҳий ҳолатида низоли ва муаммоли вазиятларни ҳал қилиш воситаси сифатида жиноят содир қилишга тайёргарлиги илдиз отиб кетганлигидан далолат беради.

Такроран жиноят содир қилган шахсларнинг ўта ижтимоий хавфлилиги ҳам ана шунда ифодаланади. Такроран жиноят содир қилишнинг ўта хавфлилиги тўғрисида гапирилганда, ҳар бир жиноятда ўз мазмунига кўра жамиятга ҳилоф бўлган бир хилдаги қилмиш ҳамда дастлабки ва кейинги жиноятлар ўртасидаги ўтган вақтнинг қисқалигини назардан четда қолдирмаслик керак. Бунга ушбу муаммони тадқиқ қилган бир қатор муаллифлар ўз эътиборларини қаратганлар².

¹ Б.В.Волженкин. Ответственная опасность личности как криминологическая и уголовна правовая категория. Москва 1999 с.75.

² Блиндер Б.А. Вопросы уголовного право, уголовные процессы и криминология. Душанбе. 1966г- С.102.

Такроран жиноят содир этиш муаммосини тадқиқ қилган кўпчилик муаллифлар иккинчи ва кейинги жиноятларни ҳам такроран содир қилиш деб ҳисоблаш кераклигини айтадилар. Бунда улар жиноятнинг моҳиятига алоҳида эътибор берадилар.

Бунга қуйидаги жиноят ишини мисол қилишимиз мумкин: шўъба корхона раҳбари Ш. мансабдор шахс бўла туриб, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, раҳбарлик фаолияти мобайнида корхона ишчи-ходимлари сифатида амалда умуман ишламаган беш нафар шахсларни расмийлаштириб, уларга ойлик маош ҳисоблаб, тарқатма ведомостларига сохта имзолар қўйиб, ҳужжатларни қалбакилаштириб, 2006-2009 йиллар давомида жуда кўп миқдордаги 15.057.515 сўмлик нақд пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Д.нинг жиноий ҳаракатлари ЖК 167-моддаси 3-қисми “а” банди, яъни “айбдорга ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани, такроран, мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш” аломатлари билан шунингдек, ЖК 209-моддаси 2-қ. “а” банди, яъни “мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг ғаразгўйлик манфаатларини кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, такроран сохта маълумотлар киритиши” аломатлари билан тўғри квалификация қилинган¹.

Бу борада бошқа бир жиноятни олиб кўрадиган бўлсак, жумладан такроран ёки хавфли рецидивист томонидан қасддан баданга шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси 3-қ. “б” банди билан квалификация қилинади.

Агар мазкур шахс олдин ЖК 104-моддаси 1 ёки 2-қ. да кўрсатилган белгиларга эга жиноятни қасддан содир этган бўлса ва бунинг учун у судланмай туриб, қасддан баданга шикаст етказса, бундай қилмишни такроран содир этилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш, деб топиш лозим.

¹ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2009 йил архивидан. 1-903/2009-сонли жиноят иши.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш агар ЖК 97-моддаси 1 ёки 2-қисмида назарда тутилган одам ўлдириш учун илгари судланган шахс томонидан содир этилган бўлса, у ҳолда, мазкур қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш деб топилади. Б.М.Леонтьев эса: “Шахснинг олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтиб кетмасдан икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши рецидив жиноят содир қилишдир”¹, деб ёзади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорида шундай дейилади: “Такроран ва рецидив жиноят содир этилиши қонунда белгиланган асослар ва доирада оғирроқ жазо тайинланишига олиб келишини инобатга олиб, ҳар бир иш бўйича ЖК 77-80-моддаларига мувофиқ тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳолати мавжудлиги ҳақидаги материаллар текшириб чиқилиши ва шунга асосланиб, рецидив жиноят бор-йўқлиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши керак.

Жиноят кодекси 34-моддаси мазмунига кўра, рецидив жиноят мавжудлиги ҳақидаги масалани ҳал этишда шахс судланаётган ёки муқаддам судланган қасддан содир этилган жиноят тамом бўлган ёки тамом бўлмаган жиноят эканлиги, шунингдек ушбу жиноятлардан қай бирида бўлсин шахс бажарувчи ёки иштирокчи бўлганлиги аҳамиятга эга эмас.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этишда шуни назарда тутиш лозимки, ЖК 34-моддасининг олтинчи қисмига кўра, ўн саккиз ёшгача содир қилинган жиноят учун судланганлик шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда ҳисобга олинмайди. Шундан келиб чиқиб, агар шахс муқаддам бир нечта жиноят учун судланган бўлиб, улардан айримларини вояга етмаган ёшда содир этган бўлса, фақат вояга

¹ Б.М.Леонтьев. Множественность преступлений советского уголовного права. Общая часть. –М.: Изд-во МГУ. 1988 г. – С.204.

етган даврда содир этилган жиноятлар учун судланганлик эътиборга олиниши лозим¹.

Жумладан, И.М.Каракетов ва М.Усмоналиевлар “Олдинги қасддан қилган жинояти учун судланганлик муддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан янги жиноят содир қилиш рецидив жиноят содир қилишдир”² деб берган таърифи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят кодексида рецидив жиноятга берилган таърифга мос келади.

ЖК 34-моддасида рецидив жиноят тушунчаси берилган бўлиб, рецидив жиноят тушунчаси бевосита шахснинг олдин қасддан қилган жинояти учун судланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Ушбу моддада берилган тушунчага кўра, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

Судланганлик тушунчаси амалдаги ЖК 77-моддаси 1-қ. да берилган бўлиб, унга кўра судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатидир.

Бу қонун чиқарувчининг судланганликка берган таърифи бўлиб, олимлар томонидан ҳам судланганлик институти ўрганилган. Ҳуқуқшунос олимлар судланганлик тушунчасини, унинг аҳамиятини турли хил талқин қилсаларда, лекин барчасининг моҳияти бирдир.

Судланганлик шахс ҳуқуқий мақомининг тавсифи бўлиб, судланмаган шахс билан солиштирганда, судланган шахсга ҳуқуқларини чеклаш билан бирга мажбурият ҳам юклайди³.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори 9-банд.

² Каракетов Й.М., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 189 бет.

³ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. “ILM ZIYO” Т. 2006. –Б. 532.

Судланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, шахснинг содир этган жинояти учун жиноий жазога ҳукм этилганликдан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир¹.

Судланганлик— бу шахс учун салбий, биринчи навбатда жиноят ҳуқуқий хусусиятдаги оқибатларнинг келиб чиқишини боғлаган жазонинг муайян тури ва миқдорига ҳукм қилинишидан келиб чиққан ҳолатдир².

Г.В. Виттенбергнинг таъкидлашича эса, судланганлик шахсни содир этган жинояти учун унга суд томонидан ҳукм қилиш факти орқали белгиланган жазо натижасида келиб чиқадиган жиноят ҳуқуқий ҳолатидир³. Юқорида келтириб ўтилган таърифлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, судланганлик тушунчаси деярли бир хил, яъни жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо натижасида келиб чиқадиган шахснинг ҳуқуқий ҳолати сифатида тушунилади.

“Жазо қўллаш билан чиқариладиган айблов ҳукми махсус жиноий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Судланганлик – бу суд томонидан айбли деб топилган ва жазога ҳукм қилинган шахснинг махсус жиноий ҳуқуқий ҳолатини белгилайди”⁴.

Судланганлик шахсни жиноят содир қилганлиги учун ҳукм қилишнинг ҳуқуқий оқибати бўлиб, унинг “махсус ҳуқуқий ҳолати”ни келтириб чиқаради. Бу ҳуқуқий оқибатларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас, уларнинг бири иккинчиси билан узвий боғлиқ.

В.В. Галина судланганликка бошқача таъриф беради, унинг берган таърифига кўра, судланганлик шахсда жазони ўтаб чиққандан сўнг уни рецидивист деб топиш имконини берувчи фактнинг мавжудлигидир⁵. Судланганликка берилган бу таърифнинг аҳамияти шундаки, муаллифнинг фикрича, судланганлик “ўстирувчи” характерга эга. Бироқ бу таъриф

¹ Усмоналиев М. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари Т.: Янги аср авлоди. 2011 й. –Б. 12

² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т. 2010. Т. 2. 280 бет.

³ Виттенберг Г.В. Некоторые вопросы практика применения Указа Президума Верховного Совета Иркутск: Исд-во Иркутского ун-та, 1991. 127-139

⁴ Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. М.: БЕК, 1996. С. 481-482.

⁵ Галина В.В. Погашение и снятие судимости. Харьков: Вишья школа, 1999. С. 7.

судланганлик тушунчасини тўлиқ очиб бера олмайди. Шу билан бирга судланганликнинг нима сабабдан олдинги ҳолатга тааллуқлиги тушунарсиз берилган. Судланганликка оид ҳуқуқий оқибатлар шахс жазони ўташи ёки ижро этиши жараёнида ҳам қўлланилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, судланганликка қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: “Судланганлик, шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиган (жазодан озод қилинганлигидан қатъий назар) ва судланганлик олиб ташлангунга ёки тугалланишига қадар давом этадиган ҳуқуқий ҳолатдир, у қилмишни рецидив деб ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади”.

С.И. Зельдовнинг фикрича судланганлик 3 даврни ўз ичига олади: 1) суд ҳукмини қонуний кучга кириши ва жазонинг ижро этиш бошланишига қадар бўлган вақт оралиғи; 2) жазони ўташ даври; 3) жазони ўтаб бўлиш (жазодан озод қилиш) давридан судланганликни олиб ташлаш ёки тугалланишига бўлган вақт оралиғи ¹.

Бизнингча суд ҳукмини қонуний кучга кириши ва жазонинг ижро этиш бошланишига қадар бўлган биринчи давр судланганлик даврига кирмайди, чунки ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади.

Судланганлик содир этилган қилмишнинг субъектив томонидан келиб чиқиб қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларга нисбатан алоҳида ҳуқуқий оқибатларни келитириб чиқаради. ЖКнинг 34-моддасига кўра шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун судлангандан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топиш учун асос бўлади. Ёхуд ЖК 56-моддаси “н” бандига кўра илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олиниши мумкинлиги белгиланган.

¹Зельдов С.И. Усиление ответственности за рецидив преступлений // Правоведение. 1994. № 2. С.66.

Рецидив жиноятчиликни ўрганган олимларнинг деярли барчаси, шахс дастлабки жиноят учун жазони ўтаб чиққанидан бошлаб олти ой ўтмасдан бир йил ўтмасдан, икки йил ўтмасдан ва уч йил ўтмасдан ёки уч йил ўтиб кетганидан кейин қасддан янги жиноят содир қилганларни ўрганиб, тегишли хулосалар қилганлар. Агар шахс жазони ўтаб чиққан вақтдан бошлаб кўп вақт ўтмасдан янги қасддан жиноят содир қилса, ҳукм бўйича жазони ўташдан олдинги жиноий фаолиятидан воз кечмаган ҳисобланишини таъкидлайдилар. Кўпчилик рецидив жиноят содир қилганлар дастлабки жинояти учун жазони ўтаб чиққанидан кейин уч йил ўтмасдан қасддан жиноят содир қилган шахслардир. Бундай ҳолатдан шундай хулоса қилиш мумкинки, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахсларни жазони ўтаб чиққан кунидан бошлаб уч йил мобайнида назорат қилиш ва зарур бўлса, ана шу давр ичида уларга алоҳида аҳамият бериш, турмуш ва ишларида ёрдам беришига алоҳида ёндошиш талаб этилади.

Шундай қилиб, жиноят қонунида судланганликнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, шахс содир қилган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб чиққанидан кейин, уни яна жиноят йўлига ўтиб қолишининг олдини олиш мақсадида кузатиб туриш, жазони ўташ вақтида жазонинг мақсадига тўла эришилмаган бўлса, уларнинг устидан маъмурий назорат ўрнатиш орқали жазонинг мақсадига эришишни жазони ўтаб бўлганидан кейин давом эттириш учун зарур бўлган жиноят-ҳуқуқий институтдир.

ЎзР ЖК 60-моддасида (бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш) "Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади", — дейилади. М. Усмоналиевнинг фикрига кўра ушбу қонуннинг мазмунига кўра, шахс ҳали судланган ҳисобланмасада муайян жинояти учун ҳукм эълон қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир этса, рецидив жиноят деб ҳисобланади. Демак, судланганлик муддатига нисбатан қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш муддати кенгрок

бўлиб, ҳукм эълон қилинган вақтни ҳам қамраб олади. Шунга кўра қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш вақти қонуний кучга кирган вақтни ва ЎзР ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларни қамраб олади. Шахснинг судланганлик ҳолати эса ҳукм қонуний кучга кирган кундан бутун жазони ўташ муддатига (шу жумладан, қўшимча жазони ўташ муддатига) ҳам жорий қилиниб, ЖК 78-моддасида назарда тутилган муддатларда судланганлик ҳолати жорий қилинади. Шу юқорида айтилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳукм эълон қилинганидан то биринчи ҳукм бўйича жазони ўтаб бўлгунча (асосий ва қўшимча жазоларни) янги жиноят содир этилса, ЎзР ЖКнинг 60-моддаси қоидаларини қўллаб жазо тайинланса ҳукм эълон қилинган вақт ва ЖК 78-моддасида назарда тутилган муддатлар қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш муддатлари ҳисобланади ¹.

Фикримизча ЖК 34, 77-моддаларидаги “судланган” деган тушунчалар рецидив жиноятдаги “судланган” тушунчалари билан бир хил. Рецидив жиноятдаги “судланган” деган тушунчада ҳам суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг содир этилган жиноятлар тушунилади.

ЖК 77-моддасида белгиланишича судланганлик “ушбу кодексида назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этганда ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади”. Қонун чиқарувчининг бу тушунтириши унчалик аниқ эмас. Чунки судланганлик бошқа жиноят-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда ҳам аҳамиятга эга. Масалан, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишда (ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б”, “в” бандлари).

Шунингдек судланганлик ЖКнинг 77-моддасида кўрсатилмаган бошқа ҳуқуқ соҳаларига ҳам тегишли бўлмаган ҳуқуқий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам шахсга нисбатан муайян жиноят-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи судланганлик тушунчаси аниқ

¹ М.Усмоналиев. Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари Т.: Янги аср авлоди. 2010 й. –Б. 14.

берилмаган¹. Бундай оқибатлар нафақат жиноят ҳуқуқий, балки, умумҳуқуқий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, бу рецидив жиноятни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки судланганликнинг умумҳуқуқий оқибатлари жиноий жавобгарликка кирмайди. А.В. Наумов бу каби умумҳуқуқий оқибатларни чеклаш лозимлигини айтади². Чунки бу каби оқибатлар жиноят ҳуқуқи доирасига кирмайди деб баҳоланади.

Судланганлик умумҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноят-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Судланганлик ҳолатининг умумҳуқуқий оқибатларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

биринчидан, шахс расмий ҳужжатларни тўлдирганида судланганлиги ҳақида ёзиб қўйишга мажбур бўлади;

иккинчидан, судланганлик ҳолати шахснинг турар жой эркинлигини чегаралаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин;

учинчидан, шахснинг судланганлиги унинг муайян фаолият тури билан шуғулланишига (адвокатлик фаолияти) ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида айрим мансабларни (прокуратура терговчилари, прокурорлар, судья ва х. к.) эгаллашларига тўсқинлик қилиши мумкин.

1 боб бўйича хулосалар

Биринчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1) Рецидив жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:

а) илгари жиноятнинг қасддан содир этилганлиги;

б) илгари содир этилган жинояти учун шахснинг, албатта, судланганлиги;

в) кейинги жиноятнинг ҳам қасддан содир этилганлиги;

¹ Уголовное право. Общая часть.- М: НОРМА, 1997. С. 460.

² А.В. Наумов Уголовное право. Общая часть. - М.: БЕК, 1996. С. 483.

г) кейинги жиноятни, албатта, олдинги жиноят учун судланганидан кейин содир этилганлиги.

2) Қилмишда ана шу белгилардан биттасининг бўлмаслиги унинг рецидив жиноят эканлигини истисно қилади.

Шахсни рецидив деб топиш қуйидаги ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин:

а) шахснинг қилмиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланишига олиб келиши мумкин;

б) жазо муддатининг қисқартирилишига ёки унинг енгилроғига алмаштирилишига тўсқинлик қилинишига;

в) шартли ҳукм белгиланмаслигига;

г) жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташни белгиланишига олиб келиши мумкин.

3) Рецидив ва такрорийлик – бир-бири билан узвий боғланган, бироқ мустақил тушунчалардир. Айбдорнинг илгари содир этилган жиноят учун судланганлик белгисининг мавжудлиги такрорийликка сифат жиҳатидан бошқача мазмун бахш этади ва янги тушунча – жиноят рецидивини юзага келтиради.

4) Рецидив жиноятга қуйидагича янги таъриф берилди: **“Шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан яна жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади”**.

Бу борада хорижий давлатлар таҳлилини кўриб чиқадиган бўлсак, яъни Латвия Республикаси жиноят кодексининг 27-моддасида ҳам рецидив жиноятга худди шундай таъриф берилган бўлиб, ушбу таъриф ҳам рецидив жиноят тушунчасини тўлиқ қамраб олган.

Шу билан бир қаторда ушбу таърифни Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар

тўғрисида”ги Қарорининг 16-банди иккинчи қисмига ҳам киритишни таклиф этамиз.

5) Рецидив жиноятчиликка оид адабиётлар ва суд амалиётини ўрганиш асосида, судланганликка қуйидагича таърифи ишлаб чиқилди: **“Судланганлик, шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиган ва судланганлик олиб ташлангунга ёки тугалланишига қадар давом этадиган ҳуқуқий ҳолатдир, у қилмишни рецидив деб ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади”.**

2 -Боб. РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

2.1. Оддий рецидив тушунчаси

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунига асосан умумий рецидив, махсус рецидив ва алоҳида хавфли рецидив тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарур.

Илмий адабиётларда рецидив жиноятларнинг қуйидаги уч хил таснифини жорий этиш таклиф қилинганлиги бежиз эмас: рецидив, хавфли рецидив, ўта хавфли рецидив. Таклиф этилган тасниф билан боғлиқ рўйхатга қуйидаги белгилар асос қилиб олишини мумкин: 1) жиноят зўрлик ишлатиб содир этилганлиги; 2) содир этилган жиноятлар сони; 3) айб шакли; 4) қилмишнинг оғирлик даражаси; 5) рўйхатга киритилган жиноятларнинг такрорланиш хавфи¹.

Рецидивда жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра рецидив жиноятларни бундай таснифлаш умуман рецидив жиноятчилиқнинг таркиби ва хусусиятини янада теранроқ тушуниш имконини беради.

Унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этган шахслар ҳам рецидивистлар деб топилиши мумкин. Мазкур рецидив турининг фарқланиши шу билан боғлиқки, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун кўп қарра судланиш ҳоллари жиноят қонунига риоя этиш заруратига беписандлиқдан далолат беради ва илгари судланмаган шахс томонидан содир этилган айни шу қилмишларга нисбатан бошқача баҳолашни тақозо этади.

Хавфли ва ўта хавфли рецидив шахс хавфлилиқ даражаси юқори бўлган жиноятлар содир этишга мойил эканлигидан далолат берадики, бу жиддий ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлиши лозим. Ушбу таклифлар²

¹Михлин А., Рамазин С. Пути совершенствования законодательства о борьбе с рецидивом // Социалистическая законность. 1984. № 3. – 73-б.

² Чукмаитов Д.С. Влияние первого преступления на последующую противоправную деятельность рецидивистов. – М., 1994 – С. 65.

Ўзбекистон Республикасининг янги ЖКда ўз аксини топди. ЎзР ЖК 34-моддасининг иккинчи қисмида илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши қайд этилган. ЎзР ЖК 34-моддаси учинчи қисмига биноан, беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдинкейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Ҳуқуқий рецидивнинг у ёки бу жиҳатларини аниқлаш учун криминология механизмига мурожаат этиш лозим. У ҳодисаларнинг ижтимоий-психологик моҳиятини ёритиб, кўриб чиқиладиган тушунчанинг жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқидаги мазмунини янада бойитиши мумкин¹. Бунда асосий эътиборни қуйидаги жиҳатларга қаратиш лозим. Рецидив жиноятчилик муаммосини ўрганган муаллифларнинг деярли барчаси унинг хавфлилиқ даражаси юқори эканлигини кўрсатади ва буни илгари тарбиявий таъсир чоралари

¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология.Т.: ТДЮИ. 2008. – 127.

кўрилган шахс томонидан жиноят содир этилганлиги субъектнинг ғайриижтимоий мойиллигидан далолат бериши билан тушунтиради¹.

Бу ерда давлат томонидан илгари жазоланган ва бу фактдан сабоқ олиши керак бўлган шахс тўғрисида сўз юритилмоқда. Илгари судланган шахс янги жиноят содир этганлиги, одатда, шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори эканлигидан далолат беради ва у янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш борасида янги муаммолар қўяди.

Шу боис рецидив мустақил тушунча ва уни кўп карра жиноят содир этиш ёки жиноий фаолиятнинг бошқа турлари билан аралаштирмаслик керак. Бизнингча, жиноят қонуни такроран бузилган ҳолларга нисбатан рецидив атамаси қўлланилмаслиги лозим.

Криминологияда судланганлик фактини рецидивнинг муқаррар белгиси сифатида тан олишдан воз кечиш амалда рецидивнинг хусусиятини баҳолашда шахснинг судланганлик фактини эътиборга олмасликни англатади.

Шундай қилиб, рецидив жиноий фаолиятнинг шунчаки давоми эмас, балки айбдорнинг ҳаракатларига давлат салбий баҳо берганига қарамай, бу фаолиятга қайтишдир. Зотан, бир неча жиноят содир этган шахс бирон марта ҳам жазога ҳукм қилинмаган бўлса, унга нисбатан жиноий жазо қўлланилиши қандай натижа беришини ҳеч ким олдиндан айта олмайди². Албатта, агар биринчи шундай таъсир натижасида шахс бошқа ҳеч қачон жиноят содир этмаса, бир неча жиноятни кетма-кет содир этганлиги учун унга олдиндан ишончсизлик билдириш ўринли бўлмайди.

Шундай қилиб, рецидивнинг асосий белгиси – қилмишга давлат органи сифатидаги суд салбий баҳо берганлигига қарамай, қайта жиноят содир этиш. Ҳуқуқий рецидив ҳақида айтилганлар пенитенциар

¹ Абдурашулова Қ.Р. Криминология.Т.: ТДЮИ. 2008. – 127.; Каракетов Й.М., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 189 бет.

² Ефимов М.А., Шкурко В.А. Рецидивная преступность и ее предупреждение. – Минск, 1997. – С. 7.

рецидивга ҳам тегишли. Фарқ шундаки, пенитенциар рецидив жазони ўташ чоғида юз беради. Унинг хавфлилик даражаси шу билан белгиланадики, шахс олдинги жинояти учун жазони ўтаб бўлмасидан янги жиноят содир этади. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ пайтида шахс давлатнинг махсус органлари назорати остида бўлади, бироқ бу уни тўхтатмайди.

Айни вақтда пенитенциар рецидивнинг бошқача талқини ҳам бор. Масалан, А.Х.Кунашев пенитенциар рецидив деганда “шахс озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони такроран ўташи”ни тушунади¹. Бу фикрга қўшилиш қийин, чунки бу ерда урғу жиноят содир этиш соҳасидан жазони ўташ соҳасига кўчирилган. Агар муаллиф илгари озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаган шахс бу жазо унга қайта тайинланишига сабаб бўлган янги жиноят содир этганлигини назарда тутган бўлса, бу атама ўринли бўлмаса керак.

Суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлсак, Ш. хавфли рецидив бўла туриб, яна ЖК 277-моддаси 3-қ. “а” ва “б” бандлари билан жазо тайинланиб, жазони колонияда ўташ вақтида жазони ижро этиш муассаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаган. Натижада, суд унинг бу ҳаракатларини ЖК 221-моддаси 2- қ. “а” банди билан квалификация қилган.² Биз бу ҳолатни пенитенциар рецидив деб аташимиз мумкин.

Биринчидан, лотинча “роена” сўзи нафақат озодликдан маҳрум қилишни, балки умуман жазони англатади. Бундан ташқари, рецидив тури шахсга тайинланган жазога боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Шу боис “пенитенциар” атамаси жазо тайинлаш пайтига эмас, балки жиноят содир этиш пайтига тегишли бўлиши лозим. Рецидив турини белгилаш билан боғлиқ бошқа атама – “постпенитенциар” атамаси шундан

¹ Кунашев АХ Уголовная ответственность за рецидив преступления по советскому уголовному праву: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – М., 1970. –С.4.

² Қарши шаҳар жиноят ишлари бўйича суди материаллари. 45\2008 сонли жиноят иши.

далолат беради. А.Х.Кунашев нуқтаи назаридан у умуман тушунтирилиши мумкин эмас. Бизнинг фикримизча эса, бу ерда жазо ўталганидан кейин содир этилган рецидив жинойт тўғрисида сўз юритилмоқда.

А.К.Иркаходжаев ва У.Ш.Холикуловлар “Жинойт-ҳуқуқий рецидивни криминология фанидан ажратадилар. Кримин (амалдаги) рецидив деганда бир шахснинг ҳукм қилинишидан қатъий назар илгари бир неча марта содир этган жиноий ҳаракатлари тушунилади. Кримино рецидив амалдаги жинойтларни аҳамиятли томони ва латент (яширин) ва легаль (маълум) жинойт сифатида ўрганилади”¹.

Легал жиноий ҳуқуқий рецидив – икки ёки ундан ортиқ жинойтни қасддан содир этиш ва улардан бири учун судланишига айтилади.

Оддий рецидив а) шахс жазо тайинланганда ЖК 56-модда 1-қисми “Н” банди билан жинойт оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса; б) ЖК 60-моддасига кўра, бир қанча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланаётганда; в) дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш қоидалари (ЖК 69-модда); г) шахс шартли ҳукм қилинганида; д) айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиши муносабати билан жазодан озод қилиш; е) жазони ўташни муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмашиш ва жиноий ҳуқуқий оқибат ўзига берилиши.

Оддий рецидив фақат бир турдаги ёки бошқа турдаги жинойтларда ифодаланади².

Адабиётларда жинойтлар рецидиви турларининг ҳар хил мезонларга асосланган кўп таснифлари таклиф қилинган. Масалан, умумий ва махсус рецидив, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир

¹ Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жинойтларни квалификация қилишнинг илмий асослари. - Тошкент: ТДЮИ, 2007.- Б. 50-51.

²Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жинойтларни квалификация қилишнинг илмий асослари. - Тошкент: ТДЮИ, 2007.- Б. 49-50.

этилган рецидив, оддий ва кўп карра содир этилган рецидив фарқланади.

Умумий рецидив – бу олдинги жинояти учун судланган шахснинг ҳар қандай янги жиноят содир этиши. Махсус рецидив деганда шахснинг янги ўхшаш ёки турдош жиноят содир этиши тушунилади. Шу боис ўхшаш ва турдош рецидив фарқланади¹.

Содир этилган жиноятлар сони ҳам шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори эканлигидан далолат бериши мумкин. Бу ерда оддий (бир карра) ва мураккаб (кўп карра) рецидив – илгари содир этилган жиноятлар учун таъсир чоралари қўлланилганидан кейин янги жиноят содир этиш ҳолати қайд этилади.

Қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида янги жиноят содир этиш ҳоллари ҳам ўзига нисбатан ҳар хил ёндашувларни тақозо этади.

Рецидивнинг санаб ўтилган турларидан ташқари адабиётларда бошқа рецидивнинг турлари ҳам масалан, Х.Кинге жазони ўтагандан сўнг орадан узоқ вақт ўтгач янги жиноят содир этишга нисбатан “тасодикий” рецидив атамасини қўллайди².

Олдинги жиноятнинг кейинги жиноятларга таъсири жиноят-ҳуқуқий адабиётларда махсус кўрилмаган. Масалан, А.С.Никифоров шахснинг барқарор салбий хусусиятлари намоён бўлувчи ўхшаш қилмишларгина ўзаро боғлиқ, деб ҳисоблайди. Агар жиноятлар айбдор шахсининг уларда ўз аксини топган салбий хусусиятларига кўра ҳар хил бўлса, бу ҳатто жиноятлар мажмуи ҳам эмас, балки жиноятлар йиғиндиси ҳисобланади³. Х.Кингс фикрига кўра, агар шахс жазони ўташ пайтида ахлоқан тузалмай, ўз ғайриижтимоий мойилликларини бироз ўзгартирган ва янги бошқа хил жиноят содир этган бўлса, бу умумий рецидив сифатида қаралади. Агар шахс ахлоқан тузалиб, кейинчалик

¹ Михлин А.С., Иванова А.Т. Об однородном рецидиве и сочетании различных преступлений у судимых лиц // Труды ВНИИ МВД СССР. М., 1978. –С. 47-56.

² Кингс Х. Понятие рецидива преступления в уголовном праве и криминологии // Труды по правоведению. Тарту, 1975. –С. 60-61.

³ Никифоров А.С. Совокупность преступлений. – М., 1965. –С.16.

унда ғайриижтимоий мойилликлар қайта шаклланган ва у янги жиноят содир этган бўлса, айти ҳолда тасодифий рецидив тўғрисида сўз юритиш мумкин. У ёки бу жиноятни умумий ёки тасодифий рецидив сифатида баҳолашда янги жиноят содир этилган вақт мезон бўлиб хизмат қилади. Агар янги жиноят судланганлик ҳолати тугатилиши ёки олиб ташланишидан олдин содир этилган бўлса, бу умумий рецидив бўлади, борди-ю жиноят судланганлик ҳолати тугатилганидан ёки олиб ташланганидан сўнг содир этилган бўлса, бу тасодифий рецидив бўлади.

Х.Кингснинг бу ёндашуви шубҳасиз диққатга сазовор. Бироқ у таклиф қилган атамалар эътироз уйғотади. Тасодифий рецидив деганда у криминологик рецидивни назарда тутати. “Криминологик рецидив” тушунчаси шахс ҳукм қилинганидан кейин янги жиноят содир этиши билан боғлиқ барча ҳолатларни қамраб олади. Бизнинг назаримизда, уни ўрганишда асосий эътибор рецидивдаги жиноятлар ўртасидаги ўзаро алоқага қаратилиши лозим. Бу маҳкумларни криминологик белгиларига кўра гуруҳларга ажратишга ёрдам бериши, такрорий жиноят ҳамда айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини баҳолашни енгиллаштириши мумкин.

Масалан, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган фирибгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми билан жазоланади. Бундай шахсларнинг жиноий жавобгарлиги уларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори эканлигига асосланади.

Ўта хавфли рецидивист ўжарлик билан қонунга риоя қилишни, ҳалол меҳнат билан яшашни хоҳламайди. У кўп ҳолларда жиноий фаолиятни ўзига касб қилиб олиб, иродаси бўш шахсларга таъсир ўтказиб, уларни жиноят содир этишга жалб қилади.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш шартлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасида аниқ белгиланган. Бу моддада қайси жиноятлар содир этилганида ва қанақа судланганлик мавжуд

бўлганида шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши берилган. Бу масалаларни ҳал этишда охирги сўзни суд айтади.

Ўта хавфли рецидив, деб топилиш бўйича суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлсак, В. илгари икки маротаба ЖК 164-моддаси 1-қ. билан босқинчилик жиноятини содир этиб судланган. У яна жиноятга кул уриб, ЖК нинг 169-моддаси 2-қ. “а” банди билан жиноий жавобгарликка тортилган. Суд унга жазо тайинлашда олдинги, жиноятини ҳам эътиборга олган. В. Бундай ҳолатда ўта хавфли рецидив деб топилган¹.

Суд шахсни алоҳида хавфли рецидивист деб топиш масаласини кўриб чиқаётганида айбдорнинг кимлигини, қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, уларнинг мотивларини, жиноий ниятларини амалга ошириш даражасини, жиноятни қилишда қатнашиш даражасини ва характерини ҳамда у ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олади. Суднинг қарори ҳукмда асослантирилган бўлиши лозим.

Шахсни алоҳида хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал этилаётганида шу шахснинг ўн саккиз ёшга етмасдан олдинги жинояти учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ёки бекор қилинган судланганлиги ҳисобга киритилмайди.

2.2. Хавфли рецидив жиноят тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 34-моддасида рецидив жиноятнинг учта тури назарда тутилган. Булар: 1) умумий рецидив жиноят; 2) хавфли рецидив жиноят; 3) ўта хавфли рецидив жиноят.

Хавфли рецидив тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 34-моддасининг иккинчи қисмида берилган бўлиб, илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этишини

¹ Термиз шаҳар жиноят ишлари бўйича суди материаллари. 63\2007 сонли жиноят иши.

англатади. Хавфли рецидив оддий рецидивдан фарқли равишда Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўплаб моддаларида квалификация қилинадиган белги сифатида назарда тутилган. Айбдорнинг қилмишини хавфли рецидивист томонидан содир этилган қилмиш сифатида квалификация қила туриб, ҳуқуқни қўллаш органлари бу белгини ҳисобга олиб унга айб қўйишлари шарт. Хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши бир қатор жиноятларнинг тавсифлаш белгиси ҳисобланади ва бу ҳолат шахс дастлабки тергов органи томонидан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинаётганида кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим ва кейинчалик бу суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам асослантирилган бўлиши керак¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 34-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра, қилмишни хавфли рецидив жиноят деб, шахсни эса хавфли рецидивист деб ҳисоблашда шахснинг вояга етган ёки вояга етмаганлигининг, шунингдек қандай турдаги жазога ва қанча муддатга ҳукм қилинганлигининг аҳамияти йўқ. Муҳими, шахс қонунда белгиланган субъект ёшига етганлигининг ўзи етарлидир.

Хавфли рецидив жиноят деб топишни қонун шахснинг илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин унга айнан ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этиши билан боғлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорига кўра қуйидагилар айнан ўхшаш жиноятлар ҳисобланади:

1) шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган (агар моддада бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса);

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991–2006. Т.1. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 92.

2) шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган (агар моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса, масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари) жиноятларни янгидан содир этиш тушунилиши лозим.

3) жиноят қонунида алоҳида назарда тутилган айрим ҳолларда, шахс илгари судланган жиноятларга айнан ўхшаш бўлмаган янги жиноятнинг қасддан содир этилиши ҳам хавфли рецидив жиноят деб топилади (масалан, ЖК 118, 119, 189, 211, 212-моддалари иккинчи қисмлари, 213-моддаси учинчи қисми, 276-моддаси иккинчи қисми)¹.

У.М.Мирзаев қилмишни хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб топиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги белгилар бўлиши шартлигини кўрсатади:

1) шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги;

2) ЖК 69-моддасида белгиланган жазони ижро этиш муддатларининг ўтиб кетмаганлиги;

3) ЖК 78-моддасида назарда тутилган судланганлик муддатларининг ўтиб кетмаганлиги ёки ЖК 79-моддасига асосан судланганлиги олиб ташланмаганлиги;

4) янги содир этган жиноятининг илгари содир этган жиноятига ўхшаш бўлиши².

“Хавфли рецидив шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилингандан сўнг қасддан шуга ўхшаш янги жиноят содир этади. Хавфли рецидив махсус қисмида бунда жиноят таркиблари турлари белгиланади. Оддий рецидивга ўхшаб хавфли рецидив ҳам қонунчиликда ўзига хос белгилар билан тавсифланади. Бундай ҳолатларда шахс жиноят

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. – Тошкент: 2008. - № 3. – Б. 15.

² Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик. Монография. // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Б.Ж.Ахбаров. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 102-103.

содир этиб, ҳукм қилингандан сўнг яна ўхшаш янги жиноят содир қилса у хавфли рецидив деб топилади”¹.

Шахсни хавфли рецидивист деб тергов органлари томонидан топилади. Чунки, хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши бир қатор жиноятларнинг квалификациявий белгиси ҳисобланади ва оғирроқ жазо чоралари қўллашга олиб келади. Масалан, шахс мукаддам ЖК 267-моддаси билан, яъни таранспорт воситаларини олиб қочиш бўйича ҳукм қилиниб, судланганлик олиб ташланмасдан, айнан ўша жиноятни содир этса, хавфли рецидивист деб топиш учун асос бўлади.

Хавфли рецидивист жиноятга нисбатан ҳам судланганлик олиб ташланиши ва ўлчаниш ҳамда шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши каби бошқа ҳолларда ҳам хавфли рецидив жиноят деб топиш асосларининг олиб ташланиши қоидалари қўлланилади.

Дарҳақиқат, ЖК Махсус қисмининг кўпгина моддалари 3 ва 2-қисми “а” бандида такроран ва хавфли рецидив томонидан содир этилиши учун жазо тайинлаш масалалари кўрсатилган. Масалан, 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилиш учун шахс илгари ЖК 277-моддаси билан судланган ва судланганлик муддати ўтиб кетмаган ёки олиб ташланмаган бўлиши лозим.

Судлар безориликни хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб топишда хатоликга йўл қўймаётган бўлса-да, қонун чиқарувчининг ўзи ижтимоий хавфлилиги турлича бўлган жиноятлар учун жиноят қонуни бир нормасининг бир қисми ва бандида жавобгарлик белгиланганлиги, жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асослари ва одиллик принципининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Масалан, суд бир ҳолатда хавфли рецидивист томонидан содир этилган безорилик жинояти учун 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум этиш

¹ Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Тошкент: ТДЮИ, 2007.- Б. 50-51.

жазоси тайинлаган¹. Шунингдек, такроран содир этилган безорилик учун ҳам 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган².

Ваҳоланки, хавфли рецидивист томонидан содир этиладиган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси такроран жиноят содир этишга нисбатан юқоридир. Чунки, шахс содир этган жиноят учун икки марта судланганига қарамай тузалиш йўлига ўтмаган бўлади ва жиноят содир этишни ўзининг “касбига” айлантириб олади. Бу ҳақда ЎзР Олий суди ҳам ўз қарорларининг бирида тушунтириш бериб, рецидив жиноят бир неча жиноят турлари ичида энг хавфлиси бўлиб, у шахс томонидан жиноий хулқ-атвор давом эттирилаётганлигидан далолат беришини ўз қарорида мустаҳкамлаб қўйган³.

Такроран ва хавфли рецидив жиноятга нисбатан бир хилда жазо тайинланиши ЖК 8-моддасида белгиланган одиллик принципига зиддир. Унга кўра жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Лекин судлар томонидан ижтимоий хавфлилиги бир-биридан фарқ қилувчи бир неча жиноятларга нисбатан бир хилда жазо тайинланиши мазкур принципнинг бузилишига сабаб бўлади.

ЖКда белгиланган одиллик принципи бузилишининг асосий сабаби эса, такроран ва хавфли рецидивист томонидан содир этилган безорилик учун ЖК Махсус қисми тегишли моддасининг айни бир қисми ва бандида жавобгарлик назарда тутилганидир. Шу сабабли, ҳам такроран ва хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этганлик учун жавобгарликни ЖК Махсус қисми тегишли моддаси алоҳида қисмларида белгиланишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

¹ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди архивидан. 2006 йил.

² Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди архивидан. 2007 йил.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. – Тошкент: 2008. - № 3. – Б. 15.

ЖК 34-моддаси 2-қисмининг мазмунига кўра, хавфли рецидив жиноятни икки турга бўлиш мумкин:

1) илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни содир этиш;

2) Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши.

Илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни содир қилиш деган тушунча шундан иборатки, шахс илгари қасддан содир қилинган жинояти учун судланганидан кейин айнан ўша моддада ёки модданинг муайян қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этиш тушунилади.

Бундан олдинги ҳукм бўйича айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг айнан битта қисмида назарда тутилган жиноятнинг содир этилганлиги шарт эмас. Мухими олдинги ҳукм бўйича жавобгарликка тортилган модданинг бирор қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги етарли. Масалан, шахснинг олдинги ҳукм бўйича содир қилган жинояти ЖК 169-моддаси 1-қисм билан квалификация қилинган бўлиб, шахснинг кейинги жинояти ЖКнинг 169-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят эди. Демак, кейинги жинояти ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят бўлишига қарамай, содир этилган жиноят хавфли рецидив деб ҳисобланиб, шахс яна ЖК 169-моддаси бирор қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилса, қилмиш 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилинади.

Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Жиноят кодекси Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этишини хавфли рецидив жиноят, деб ҳисоблаш кераклиги тўғрисидаги норма ЖК бир қанча моддаларида назарда тутилган. Жумладан, 104-модда 3-қисми “б” банди, 105-модда

2-қисми “к” банди, 118-модда 2-қисми “б” банди, 164-модда 3- қисми “а” банди ва бошқалар.

Масалан, ЎзР ЖК 105-моддаси 2-қисми “к” банди-да белгиланишига кўра, илгари ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказган ёхуд ЖК 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдирган шахс ўша жиноятларнинг қайси бири билан олдин судланиб, судланганлик муддати ўтмасдан яна қасддан 105-модда 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилса, бу жиноят хавфли рецидив жиноят деб ҳисобланиб, айбдор ЖК 105-моддаси 2-қисми “к” банди билан жавобгар қилинади. Жазо тайинлаш масаласи эса ЖК 60-моддаси қоидалари асосида ҳал қилинади.

Қилмишни хавфли рецидив жиноят, деб ҳисоблашнинг ушбу қоидаси фақат ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган бўлсагина қўлланади.

ЖК 34-моддаси 2-қисмига кўра, қилмишни хавфли рецидив жиноят деб, шахсни эса хавфли рецидивист деб ҳисоблашда шахснинг вояга етган ёки вояга етмаганлигининг, шунингдек, қандай турдаги жазога ва қанча муддатга ҳукм қилинганлигининг аҳамияти йўқ. Муҳими, шахс қонунда белгиланган субъект ёшига етганлигининг ўзи етарлидир.

Шахсни хавфли рецидивист деб ҳисоблашда олдинги ҳукм бўйича қандай турдаги жазога ҳукм қилинганлигининг ҳам аҳамияти йўқ. Айтайлик, 14,5 ёшли вояга етмаган ЖК 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганлиги учун муайян миқдордаги жаримага ҳукм қилинган, жаримани тўлаган кундан бошлаб, бир йил ўтмасдан яна ЖК 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилса, бу қилмиш энди хавфли рецидив жиноят, шахс эса хавфли рецидивист деб ҳисобланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, шахс хавфли рецидивист деб топишни масаласини суд ҳал қилмайди, балки қонуннинг ўзида белгилаб қўйилган асосларга кўра, шахс хавфли рецидивист деб ҳисобланади.

2.3. Ўта хавфли рецидив жиноят тушунчаси

ЎзР ЖК 34-моддаси 3-қисмига кўра, “Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Ўзбекистон ЖКнинг 34-моддасига асосан жиноят содир этган шахс қуйидаги ҳолларда ўта хавфли рецидивист деб танилиши мумкин:

а) шу модданинг 1-қисми 1-бандига мувофиқ шу бандда санаб ўтилган ЎзР ЖК 168-моддаси 2 ёки 3-қисмида назарда тутилган фирибгарликни содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан ва унинг муддатидан қатъи назар, мазкур жиноятлардан бирини яна содир қилганлиги учун беш ва ундан кўпроқ йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс;

б) шу модда 1-қисми 2-бандига асосан бу бандда санаб ўтилган жиноятлар учун муддатидан қатъи назар илгари икки марта озодликдан маҳрум этилган ва мазкур жиноятлардан бирини (ЖК 168-м. 2 ва 3-қ.) яна содир қилгани учун 3 йилдан кўпроқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилаётган шахс;

в) агар мазкур шахс безорлик (277-модда 2-қ.) учун ёки фирибгарлик (168-моддаси 2 ёки 3-қисми) учун илгари уч мартадан кўпроқ озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган (муддатидан қатъи назар) ва яна тўртинчи марта ашаддий безорилик содир қилган ёки 168-моддаси 2 ёки 3-қисмида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этгани учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилаётган бўлса;

ЖК 168-моддаси 3-қ.да фирибгарлик жиноятини ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган, агар шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунга биноан алоҳида ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлса, бу квалификация қилишда шахснинг жиноят содир этганлиги (махсус рецидив) ёки бошқа жиноятларни содир этганлиги (умумий рецидив) сабабли алоҳида хавфли рецидивист, деб топилганлиги аҳамият касб этмайди.

Ўрганилаётган жавобгарликни оғирлаштирувчи белги қилмишни эмас, балки жиноят субъектини тавсифлайди. Жиноятнинг умумий субъекти билан бир қаторда махсус субъекти ҳам мавжуд бўлиб, шахснинг рецидивлиги махсус субъектнинг белгиси ҳисобланади.

Ҳуқуқшунослар орасида махсус субъектли жиноятларда рецидив шахснинг иштирокчиликда содир этилган жинояти ҳақида ягона фикр йўқ. М.И.Ковалевнинг фикрича: "...ЖК моддаси диспозициясида назарда тутилган бажарувчининг зиммасига қўйилган барча субъектив ҳолатлар бошқа иштирокчиларга ҳам тегишлидир, бошқа иштирокчиларда уларнинг борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар"¹.

Захаров Н.С., Малков В.П. лар эса бошқача фикрда: "У қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига таъсир кўрсатмайдиган ва фақат жиноятчининг шахсига тааллуқли бўлган (рецидив ҳам) маълумотлар жиноятни бажарувчига хос бўлиб, бошқа иштирокчиларда мавжуд

¹ Ковалев М.И. Соучастие в преступлении. Ч.2. //Ученые труды Свердловского юридического института. Свердловск, 1992. –Т.5. –С. 161.

бўлмаса, иштирокчиларнинг жавобгарлигига таъсир кўрсатмайди (агар бу ҳолатларни уларнинг қасди ўз ичига олган тақдирда ҳам)¹” дейди.

Бизнингча, агар алоҳида хавфли рецидивист гуруҳ таркибида жиноятини содир этса, ЖК 34- моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортилиши керак, чунки жавобгарликни белгилаш учун жиноятчининг ижтимоий хавфлилиги асос қилиб олинади. Жиноят содир этишда қатнашган бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари мазкур моддаларнинг бошқа қисми билан квалификация қилинади.

Бундан ташқари шахсни, рецидивист деб ҳисоблаш учун унинг иштирокида содир қилинган жиноятда бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи бўлиб қатнашганлигининг, шунингдек жиноий фаолиятнинг охирига етказилганлиги, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилганлигининг ҳам аҳамияти йўқ².

Суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муддатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Бу борада суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлсак, О. илгари ЖК 169-моддаси 2-қ.“б” анча миқдорида уғрилик учун жиноий

¹ Захаров Н.С., Малков В.П. Кличка: особо опасный рецидивист // Преступление и наказание. 1994. С.13-14.

² Усмоналиев М. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишнинг айрим масалалари. Ўзбекистон Республикаси қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда тадбиқ этилиши тўпламида. –Т., 1993. –Б. 123.

жавобгарликка тортилиб, тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган эди. У жазони ўтаб чиққандан сўнг яна жуда кўп миқдорида уғрилиқ жиноятини содир этади. Суд унга жазо тайинлашда олдинги, жиноятини ҳам эътиборга олинади. Суд уни ўта хавфли рецидив деб топади¹.

Шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш учун ЖК 34-моддаси 3-қ. да назарда тутилган асосларнинг мавжуд эканлигининг ўзи етарлидир.

Шахсни хавфли рецидивист, деб ҳисоблаш масаласи қонунда белгилангани бўйича ҳал қилинаверса, ЖК 34-моддаси 3-қ. да назарда тутилган асосларга биноан, ўта хавфли рецидивист деб топиш масаласини фақат суд ҳал қилади. Ўта хавфли рецидив жиноят содир қилинганлиги муносабати билан шахсни ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги унинг фуқаро сифатидаги мақоми (статуси)ни маълум даражада ўзгартиради.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун қонунда белгиланган қуйидаги шартларнинг бўлиши талаб қилинади:

а) содир қилинган оғир ва ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилишнинг миқдори билан белгиланганлиги;

б) содир қилинган ҳар бир жиноят учун ҳар сафар тайинланган озодликдан маҳрум қилиш муддатининг беш йилдан кам бўлмаслиги;

в) шахсни ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги уни ўта хавфли рецидивист деб топишда ҳисобга олинмайди.

г) олдинги оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик муддати ўтиб кетмасдан содир қилган оғир ёки ўта оғир жиноятигина шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишга асос бўлади.

Шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш масаласини ҳал қилаётганда суд томонидан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиш

¹ Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича суди материаллари. 13\2012 сонли жиноят иши.

керакми ёки жазонинг ҳақиқатда ўтаб бўлинган миқдордан келиб чиқиш керакми? деган савол туғилади. ЖК 34-моддаси мазмунига кўра, суд шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш масаласини ҳал қилиш вақтида шахснинг оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан кам бўлмаган жазонинг ўталган қисмидан эмас, балки суд томонидан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқади. Масалан, айтайлик, суд шахсга нисбатан қасддан қилган оғир жинояти учун олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлаган ва шахс ЖК 73-моддаси асосларида муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиниб, жазонинг ўталган қисми беш йилдан кам бўлса, бундай ҳолда ҳам шахснинг бу жинояти учун суд тайинлаган озодликдан маҳрум қилишнинг муддатидан келиб чиқиши керак.

Масалан, Жиноят ишлари бўйича Сурхандарё вилоят судининг 2008 йил 3 апрелдаги ҳукмига кўра К. ЎЗР ЖК 273-моддаси 5-қисми билан айбли, деб топилиб, ЖК 57-моддаси қўлланилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланган. Ҳукмга кўра, у 2007 йил куз ойларида Денов тумани С. Айний номли жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтган канал атрофида ўсган ёввойи каннабис ўсимлиги баргларини қийиб олиб, уйида сақлаб келган, 2007 йил 31 декабрь куни соат 18-00 ларда қонунга ҳилоф равишда кўп миқдордаги соф оғирлиги 5, 24 грамм марихуанна гиёҳванд воситасини Т. га 13 000 сўмга сотганликда ушланиб, жиноят фош этилган.

Биринчи инстанция суди ЎЗР ЖК 273-моддаси 5-қисми билан жазо тайинлашда ЖК 15-моддаси қоидаларидан келиб чичиб, жазо тайинлаган. Унга кўра ўта оғир жиноятлар туркумига киритиб, ЖК 34-моддаси 3-қисми “а” бандида илари ўта оғир жинояти учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши уни ўта хавфли рецидивист, деб топиш учун асос бўла олиши мумкинлиги таъкидланган. Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди томонидан К. ўта хавфли рецидивист деб топилиб, қаттиқ тартибли колония туридан махсус

тартибли колония турига ўзгартирилган¹.

Қилмишни ЖК Махсус қисми тегишли моддаси ва бандлари билан квалификация қилиш учун шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист, деб топилган бўлиши керак.

Агарда шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишга тўла асослар бўлгани ҳолда айрим сабабларга кўра, (хатога йўл қўйилганлиги ёки бошқа сабаб туфайли), суд шахсни ўта хавфли рецидивист деб топмаган бўлса, ўта хавфли рецидивистга хос булган жиноят-ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқмайди.

Рецидив жиноятларнинг олдини олишда рационал жазо тайинлаш ва жазони ижро этиш ғоят муҳимдир. Чунки, жиноят содир қилган шахс ахлоқан тузалиш, жиноятни очиш, жиноятчини фош қилиш босқичида, яъни жиноят-судлов ишини юритиш жараёнидаёқ бошланади.

Қонунга мувофиқ, (ЖК 54-моддаси) жиноятчининг шахси жазо тайинлаётган вақтда суд томонидан эътиборга олинади. Бир неча жиноят содир этиш ёки рецидив жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат (ЎЗР ЖКнинг 56-моддаси) ҳисобланади. Демак, бундай ҳолат шахснинг жиноят содир қилишидан олдинги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хулқини эътиборга олиш зарурлигини билдиради. Агар шахс олдин жиноят содир қилган бўлса, бу унинг жамият учун анча ижтимоий хавфли шахс эканлигини билдиради ва қонунга мувофиқ равишда унга оғирроқ жазо чорасини қўллаш зарур бўлади.

Бундан ташқари, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлат судларининг ҳукми бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олинади. Лекин бошқа давлатда содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлиши билан бирга, айбдор беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлиши керак.

ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддаларида ўша жиноятни ўта хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги квалификация қилишнинг

¹ Жиноят ишлари бўйича Сурхандарё вилоят суди архиви материалларидан, 2008 й. 54\08 сонли жиноят иши.

зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи норма билан квалификация қилиш учун шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлиши керак.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги унинг фуқаро сифатидаги мақоми (статуси)ни маълум даражада ўзгартиради. Бунда қуйдагиларда кўрсатиш мумкин:

а) улар озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ кузатув (назорат) ўрнатилган махсус тартибли колонияда ўтайдилар;

б) озодликдан маҳрум қилишни ўташ мобайнида бундай жазони ўтаётган бошқа маҳкумларга хос бўлмаган, Жиноят-ижроия кодексида назарда тутилган махсус чеклашлар қўлланади;

в) ўта хавфли рецидивист эканлиги ва судланганлик муддати ўз-ўзидан бекор бўлмайди. Уларнинг ўта хавфли рецидивист эканлигини ва судланганлигини фақат ЖК 79-моддасида белгиланган тартибда суд олиб ташлаши мумкин.

Агарда шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишга тўла асослар бўлгани ҳолда айрим сабабларга кўра, (хатога йўл қўйилганлиги ёки бошқа сабаб туфайли), суд шахсни ўта хавфли рецидивист деб топмаган бўлса, ўта хавфли рецидивистга хос бўлган жиноят-ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқмайди.

Ўта хавфли рецидивист ўжарлик билан қонунга риоя қилишни, ҳалол меҳнат билан яшашни хоҳламайди. У кўп ҳолларда жиноий фаолиятни ўзига касб қилиб олиб, иродаси бўш шахсларга таъсир ўтказиб, уларни жиноят содир этишга жалб қилади.

Суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлсак, ўта хавфли рецидивист деб топилган Т. ҳеч қаерда ишламай фирибгарлик йўли билан шахсларни алдаб кун кўриб келган. У ўзининг фаолиятига Д. ни ҳам шерик қилади.

2009 йил Т., Д. билан тил бириктириб О. ва Ш. исмли шахсларни алдаб ишончига кериб, уларга “МАТИС” русумли автомобилни олиб беришни ваъда қилиб, 10 000 АҚШ доллари олган. Аммо автомабелъни ҳам олиб бермай, пулни ҳам қайтармай алдаб юришган. О. ва Ш. охир оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишган.

Суд уларни ҳаракатларини ЖК 168 –моддаси 3 – қ. “а” ва 2 қ. “в” бандлари билан, Т.нинг эса ҳаракатидаги ўта хавфли рецидивист эканлигини ҳам эътиборга олиб, Т. га қўшимча 3 – қ. “б” банди билан квалификация қилган¹.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун суд шахсни икки марта ҳукм қилинган шартлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасида аниқ белгиланган. Бу моддада қайси жиноятлар содир этилганида ва қанақа судланганлик мавжуд бўлганида шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши берилган. Бу масалаларни ҳал этишда охириги сўзни суд айтади.

Суд шахсни алоҳида хавфли рецидивист, деб топиш масаласи кўрилаётганида айбдорнинг кимлигини, қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, уларнинг мотивларини, жиноий ниятларини амалга ошириш даражасини, жиноятни қилишда қатнашиш даражасини ва характерини ҳамда у ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олади. Суднинг қарори ҳукмда асослантирилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида ЖК 34-моддасига кўра, рецидив жиноят мавжудлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда шахс судланаётган ёки муқаддам судланган қасддан содир этилган жиноят тамом бўлган ёки тамом бўлмаган жиноят эканлиги, шунингдек ушбу жиноятлардан қай бирида бўлсин шахс бажарувчи ёки иштирокчи бўлганлиги аҳамиятга эга эмаслиги белгиланган. Бундан ташқари агар шахс бир неча жиноят учун

¹ Термиз шаҳар жиноят ишлари бўйича суди материаллари. 42\2010 сонли жиноят иши.

судланган бўлиб, уларни айримларини вояга етмаган ёшда содир этган бўлса, фақат вояга етган даврда содир этилган жиноятлар учун судланганлиги эътиборга олинаши¹ кўрсатилган.

Хавфли рецидивист, деб топишда конун талабига кўра вояга етмасдан содир этилган жиноят учун судланганлик ҳисобга олинади. Бизнингча бу қоида нафақат шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда, балки хавфли рецидивист деб топишда ҳам ҳисобга олинаши лозим.

Бундан келиб чиқиб, 34-моддаси 6-қисмини қуйидаги тарзда ўзгартириш мақсадга мувофиқ: “Шахсни хавфли ва ўта хавфли рецидивист деб топишда ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек конунда белгиланган тартибда судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки олиб ташланганлиги инобатга олинмайди”.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, судланганликнинг ҳуқуқий аҳамиятини нафақат судланган шахс янги жиноят содир этганида, балки, судланганлик муддати тугамасдан ҳам унинг оқибатини кўришимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, шахснинг судланганлик ҳолати суд томонидан фақат кейинги жинояти учун шахс судланган деб ҳисобланган давр мобайнида, яъни суд ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан то у олиб ташлангунгача ёки тугагунгача бўлган давр мобайнида ҳисобга олинаши мумкин.

Бундан ташқари, бизнингча, шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини, айбдорнинг шахси ва иш ҳолатларини ҳам инобатга олиши лозим. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда шуни назарда тутиш керакки, бундай қарор келгусида муайян жиноий қилмишлар содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай қарор жиноятчи янги жиноят содир этган тақдирда, уни ўта оғир жазо кутаётгани тўғрисида огоҳлантиришдан иборатдир. Шу ўринда: шахс қачондан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 2 том. Т.: Адолат, 2006. Т.2. Б. 229.

бошлаб ўта хавфли рецидивист бўлмай қолади? – деган савол туғилади. ЖК 79-моддаси 2-қисмига мувофиқ, “ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазо ўтаб чиққанларидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин”. Қонун матнидан келиб чиқиб, судланганликни олиб ташлашнинг бундай тартиби ўта хавфли рецидивистларга уларга берилган ва улар амалда ўтаб чиққан жазо муддатидан қатъи назар, қўлланилиши лозим.

2 боб бўйича хулосалар

Иккинчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1) ЖК 34-моддаси 2-қисмининг мазмунига кўра, хавфли рецидив жиноятни икки турга бўлиш мумкин:

а) илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни содир этиш;

б) Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши.

Илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноятни содир қилиш деган тушунча шундан иборатки, шахс илгари қасддан содир қилинган жинояти учун судланганидан кейин айнан ўша моддада ёки модданинг муайян қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этиш тушунилади.

2) Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги унинг фуқаро сифатидаги мақоми (статуси)ни маълум даражада ўзгартиради. Буни қуйдагиларда кўрсатиш мумкин:

а) улар озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ кузатув (назорат) ўрнатилган махсус тартибли колонияда ўтайдилар;

б) озодликдан маҳрум қилишни ўташ мобайнида бундай жазони ўтаётган бошқа маҳкумларга хос бўлмаган, Жиноят-ижроия кодексида назарда тутилган махсус чеклашлар қўлланади;

в) ўта хавфли рецидивист эканлиги ва судланганлик муддати ўз-ўзидан бекор бўлмайди. Уларнинг ўта хавфли рецидивист эканлигини

ва судланганлигини фақат ЖК 79-моддасида белгиланган тартибда суд олиб ташлаши мумкин.

3) Шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, айбдорнинг шахси ва иш ҳолатларини ҳам инобатга олиши лозим.

3-БОБ. РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ

3.1. Рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг хусусиятлари

Бизга маълумки, жиноят қонунида судланганликнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, шахс содир қилган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб чиққанидан кейин, уни яна жиноят йўлига ўтиб қолишининг олдини олиш мақсадида кузатиб туриш, жазони ўташ вақтида жазонинг мақсадига тўла эришилмаган бўлса, уларнинг устидан маъмурий назорат ўрнатиш орқали жазонинг мақсадига эришишни жазони ўтаб бўлганидан кейин давом эттириш учун зарур бўлган жиноят-ҳуқуқий институтдир.

Биз тадқиқот олиб борган ушбу мавзу юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ўтказилган сўров натижасида шуни кўришимиз мумкинки, рецидивистларнинг 15% ижтимоий хавфи катта бўлмаган, 28% унча оғир бўлмаган, 42% оғир, 15% ўта оғир жиноятларни содир этишган¹.

Суд рецидив жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда олдин содир этилган жиноятнинг хусусияти, содир этилган жиноятлар ва судланганлик миқдори, олдин содир этилган жиноятлар учун тайинланган ҳукм бўйича жазони ўтаб чиққанлиги ёхуд у ёки бу асосларга кўра жазодан муддатидан илгари озод қилинганлиги ва ҳоказолар ҳисобга олади.

Судлар рецидив жиноят содир этганда бу жиноят умумий рецидив жиноятми ёхуд ўта хавфли рецидив жиноят эканлигини тўла аниқлашлари, қилмишнинг тўғри квалификация қилинганлигига тўла ишонч ҳосил қилганларидан кейингина жазо тайинлашлари керак. Чунки, Ўзбекистон ЖКнинг 34-моддаси маъмунига кўра, шахснинг

¹ Қаранг илова №1. 11 банд.

илгари қасддан содир қилган жинояти учун судлангандан кейин ўша жиноятга ўхшаш бўлмаган жиноятни қасддан содир этиши умумий рецидив жиноят ҳисобланиб, бундан жиноят хавфли ёки ўта хавфли рецидив ҳисобланмаганлиги учун, янги содир этилган жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди. Қилмиш дастлабки квалификация қилиш белгиси қандай бўлса, шундай квалификация қилинади.

Аммо суд жазо тайинлашда олдинги ва кейинги жиноят содир этилишининг сабаблари ва бошқа барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлайди. Агар шахс олдинги ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни ўтаб бўлмасдан янги жиноят содир қилса, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 60-моддаси қоидаларини қўллаган ҳолда жазо тайинлайди.

Жазони ўтаб бўлгандан кейин судланганлик муддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан қасддан янги жиноят содир қилгандан содир этилган жиноятлар ЖК махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноят бўлганлиги учун жиноятлар квалификацияси ўзгармайди.

Бунда ҳар хил жиноятлар учун неча марта судланганинг аҳамияти йўқ. Муҳими ўта хавфли рецидив жиноят деб топилмаган бўлса бўлди. Суд жазо тайинлашда санкциядаги оғирроқ жазо чорасини тайинлаш мумкин ҳамда бу Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 59-моддасига мувофиқ оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Тадқиқотимиз давомида Ўзбекистон Республикаси ЖКдаги жиноят тушунчалари ўртасидаги номуносивлик, айниқса, хавфли рецидив жиноят деб ҳисоблашда жазо тури, муддати ва неча марта судланганлигининг аҳамиятига эга эмаслиги суд амалиётида қилмишни квалификация қилишда ва жазо тайинлашда хатога йўл қўйилаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Бу борада суд амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, 2008 йил май ойида Шурчи туман судида Г. нинг жиноят иши кўрилиб, унинг

ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қ. “а” бандига кўра, жиноятни хавфли рецидивист томонидан ўғирлик деб квалификация қилинган ва олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Г. 1999 йилда, 1959 йилги ЖК 127-моддаси 1-қ. билан (босқинчилик) 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. 2001 йил эса, ЖК 216 -моддаси 1-қ. билан бир йил озодликдан маҳрум этилган. 2006 йил эса ЖК 168-моддаси 2-қ. билан ва 228-моддаси 2-қ. билан икки йилу икки ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва 2006 йил декабр ойидаги Республика Президентининг Авф этиш ҳақидаги фармони билан жазодан озод қилинган.

Шунга қарамасдан, у 2008 йилда ЖК 169-моддасида назарда тутилган ўғирликни содир қилган. Тергов органи Г.нинг жиноятини ЖК 169-модда 3-қ. “б” банди билан квалификация қилиб судга чиқарган.

Суд эса унинг қилмишида 169 моддаси 3-қ. “б” бандининг белгиси йўқ деб, “б” бандини чиқариб ташлаб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қ. “а” банди билан (хавфли рецидивист томонидан ўғирлик жиноятини содир этиш) олти йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган¹.

Суд Г. жиноятни хавфли рецидив жиноят деб ҳисоблашда нимани ҳисобга олган. Ваҳоланки, ЖК 34-моддасининг мазмунига кўра унинг содир қилган жиноятлари ЖКнинг турли моддаларида назарда тутилган жиноят бўлганлиги туфайли хавфли рецидив жиноят тушунчасига тўғри келмайди. Ҳатто бу моддада қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолатлар, яъни шахсни хавфли рецидив деб топиш учун зарур бўлган ҳолатлар ҳам йўқ. Бизнинг назаримизда Г.ни содир қилган жиноятининг квалификацияси тўғри бўлмаган ва жазо ҳам асоссиз

¹ Шўрчи тумани жиноят ишлари бўйича судининг 2009 йилги архив матераллари. 23\009 -сонли жиноят иши.

равишда оғир тайинланган. Унинг жиноятлари ЖКнинг Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўлганлиги учун ҳам хавфли рецидив жиноят содир этилган деб ҳисоблашга асос йўқ.

Масалан, жиноятни рецидивист томонидан содир этилган, деб топишда эътиборга олинаётган ҳолатларга тўхталамиз. Ўзбекистон ЖК 34-моддасига асосан жиноятни содир этган шахс қуйидаги ҳолларда ўта хавфли рецидивист, деб топилиши мумкин:

а) содир этилган жиноят моддасининг 1-қ. 1-бандига мувофиқ шу бандда санаб ўтилган ЎЗР ЖК ушбу моддаси 2 ёки 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан ва унинг муддатидан қатъи назар, мазкур жиноятлардан бирини яна содир қилганлиги учун беш ва ундан кўпроқ йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс;

б) шу модда 1-қ. нинг 2-бандига асосан, бу бандда санаб ўтилган жиноятлар учун муддатидан қатъи назар илгари икки марта озодликдан маҳрум этилган ва мазкур жиноятлардан бирини содир қилгани учун 3 йилдан кўпроқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилаётган шахс;

в) агар мазкур шахс безорлик (277-модда 2-қ.) учун ёки фирибгарлик (168-модда 2 ёки 3-қ.) учун илгари уч мартадан кўп озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган (муддатидан қатъи назар) ва яна тўртинчи марта ашаддий безорилик қилган ёки 168-модданинг 2 ёки 3-қ. да назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этгани учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилаётган бўлса.

Масалан, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш икки шахс томонидан содир этилиб, бири такроран жиноят содир қилган, иккинчиси ўта хавфли рецидивист, бўлса, уларнинг жавобгарлигини ҳал қилиш масаласида муаммо вужудга келади. Бундай ҳолда, икки ёки ундан ортиқ бажарувчилардан бири ўта хавфли рецидивист бўлиб, бошқа шахслар эса

бундай белгига эга бўлмаса, бу ҳолатда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни содир этган ўта хавфли рецидивистнинг қилмиши ЖК 167-моддаси 3-қ. “б” банди билан (ўта хавфли рецидивист томонидан), қолган иштирокчилар эса ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида ЖК 28-моддаси орқали ва ЖК 167-моддаси 2-қ. “в” банди (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб) билан квалификация қилинади.

Яна бир муаммо бу иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса, қилмиш қандай квалификация қилиниши кераклиги тўғрисидаги масаладир. Бу борада “Ҳукмни эълон қилишгача содир этилган жиноятлар такроран ёки жиноятлар мажмуи деб, ҳукм эълон қилингандан кейин қасддан содир этилган жиноят рецидив жиноят деб топилиши керак”¹, деган фикрга қўшила олмаймиз. Чунки, ЖК 32-34-моддалари талабига кўра, ҳукм эълон қилиниши эмас, балки судланганлик тушунчаси ишлатилган. ЖК 77-моддаси 2-қ. га асосан, жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган, деб ҳисобланади.

Демак, ҳукм қонуний кучга киргунгача содир этилган жиноятлар такроран ёки жиноятлар мажмуи деб, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин қасддан содир этилган жиноят рецидив жиноят, деб топилиши керак.

Шунингдек, ЖКн 34-моддаси талабига кўра, илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, Жиноят кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация

¹ Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликларнинг хусусиятлари. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2001. – Б. 45.; Жиянов М. Такроран жиноят содир этиш тушунчаси ва белгилари // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2004. – № 6. – Б. 44-45.

килишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорига кўра, Қонуннинг юқоридаги талабига таянган ҳолда, “Жиноят кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этилиши суд ҳукми билан хавфли рецидивист деб эътироф этилиб, шундан сўнггина қайд этилган тоифадаги жиноятларни содир этган ҳолларда ЖК Махсус қисмининг хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари бўйича жавобгарликка тортилади”, деб тушунтириш берилиши лозим. Бу тушунтириш амалиётдаги тушунмовчиликларни олдини олади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноят содир этган шахсни ЖК 167-моддаси 3-қ. “б” банди билан жиноий жавобгарликка тортиш учун у суд томонидан ўта хавфли рецидивист, деб топилган бўлиши керак. Агар шахс ўзгалар мулкини талон-торож қилгани учун суд томонидан ўта хавфли рецидивист, деб топилган бўлса, унинг кейинги қилмиши, ўта хавфли рецидивист томонидан содир қилинган, деб топилади. Чунки, ушбу бандда жавобгарлик белгиланган жиноятнинг субъекти фақат ўта хавфли рецидивистлар ҳисобланади. Бошқа шахсларнинг мазкур банд билан жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Бизнингча, агар алоҳида хавфли рецидивист гуруҳ таркибида жиноятини содир этса, ЖК тегишли моддасининг 3-қ. билан жавобгарликка тортилиши керак, чунки жавобгарликни белгилаш учун жиноятчининг ижтимоий хавфлилиги асос қилиб олинади. Жиноят содир этишда қатнашган бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари ЖК тегишли моддасининг 2-қ. билан квалификация қилинади.

Бундан ташқари шахсни рецидивист, деб ҳисоблаш учун унинг иштирокида содир қилинган жиноятда бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида қатнашганлиги, шунингдек жиноий

фаолиятнинг охирига етказилганлиги, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилганлигининг ҳам аҳамияти йўқ¹.

ЖК Махсус қисми айрим моддаларида, масалан, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” содир этилган бўлса, ЖК 278²-моддаси 2-қ. билан жавобгарликка тортилади. Аммо, айрим ҳолатларда қилмиш ўта хавфли рецидивист томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Бундай ҳолатда қилмишни квалификация қилиш масаласи ҳам қонун нормасида ўз аксини топмаган. Ўта хавфли рецидивистнинг жиноят-хукукий мақомидан келиб чиқиб, бундай шахс томонидан содир этилган жиноятларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар томонидан содир этилган ушбу жиноятни квалификация қилишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖК 278²-моддаси иккинчи қисми “б” бандига “ўта хавфли рецидивист томонидан” содир этилиши ҳолати киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, ЖК Махсус қисмининг қатор моддалари, 278²-моддаси 2-қ., 164, 166, 169-моддалари 2-қ.га қўшимча банд киритилиб, ушбу банд “такроран ёки олдин судланган шахс томонидан” содир қилинган деб берилиб, ушбу моддаларнинг 3-қ. “а” бандларидаги “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” деган банд “хавфли рецидивист томонидан” -деб берилиши керак.

Бундай таклиф беришдан мақсад, жиноят содир қилаётган шахсларнинг бири бундай жиноятни такроран ёки судланганидан сўнг содир қилган бўлиши мумкин. Аммо бундай шахсларни битта яъни, “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” -деган банд билан жавобгарликка тортиш адолатдан эмас. Бунга асос такроран ёки олдин

¹ Усмоналиев М. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишнинг айрим масалалари. Ўзбекистон Республикаси қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда тадбиқ этилиши тўпламида. –Т., 1993. –Б. 123.

судланган шахснинг жиноят содир қилишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси хавfli рецидивист шахсига нисбатан анча пастдир. Бундан ташқари, хавfli рецидивист тушунчаси ҳам буни тақозо этмайди. Чунки, олдин судланган шахс икки маротаба жиноят содир қилган бўлиши керак, хавfli рецидивист тушунчасидан шуни тушуниш мумкинки, шахсни хавfli рецидивист деб топишимиз учун шахс илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этилиши тушунилади. Бунда шахс икки маротаба жиноят содир қилиб, судланиб, 3-маротаба жиноят содир қилгандан кейингина хавfli рецидивист деб топилади. Такроран жиноят содир қилишда эса ҳали судланмай туриб жиноятларни такрор содир қилган бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, судлар айрим ҳолларда жазо тайинлашда жиноят содир қилиш сабаблари, айбдорнинг шахсини содир этилган жиноятнинг хусусиятини, шахснинг жиноий фаолиятини давом эттириши ёки янги жиноят содир қилиши мумкинлигини прогноз қилишга яхши эътибор бермасдан жазо тайинлайдилар.

Бу борада суд амалиётидан олинган қуйидаги мисол келтирамиз. 2006 йил 5 ноябрда жиноят ишлари бўйича Денов туман судида У.нинг ЖК нинг 118- моддаси 2- қ. “в”, “г” ва 166- моддаси 2-қ. “а”, “в” бандлари билан айбланган жиноят иши кўрилди.

У. 2005 йил ЎзР 277- моддаси 2-қ. да назарда тутилган жиноятни содир қилганлиги учун бир йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилади.

Жазони ўтаб чиққанидан кейин, жиноят содир қилиб терговдан қочиб юрган В. билан олдиндан жиноий тил бириктириб ЖК нинг 118- м. 2-қ. “в”, “г” банди ва 166-м. 2 –қ. “а” ва “в”бандларида назарда

тутилган жиноятларни содир қилади. Суд У. га 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлайди¹.

Бундан шу фикирга келиш мумкинки, шахс олдинги жиноятини содир қилиб, жазони ўтаб чиққандан сўнг жиноий фаолиятини давом эттирган.

Маълумки, МДХ га кирувчи давлатлар ЖКда рецидив жиноят тушунчаси ва турларини бериш билан бирга, рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг қоидаларини белгилловчи алоҳида модда назарда тутилган.

Жумладан, Россия Федерацияси ЖК 68- моддаси, Қозоғистон ЖК 59 - моддасида, Тожикистон ЖК 66-моддаси ва хоказоларда.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 68 - моддасида рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг қуйидаги тартиби белгиланган.

68 – модда. Рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш

Рецидив, хавфли рецидив, ўта хавфли рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашда олдин содир этилган жиноятларнинг миқдори, хусусиятлари ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, олдинги жазолар юзасидан қўлланилган ахлоқан тузатиш чораларининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳисобга олинади.

Рецидив жиноят содир этилганда шахсга нисбатан тайинланган жазо айбдор жавобгарликка тортилган норманинг санкциясида назарда тутилган энг оғир жазо муддатининг энг кўп қисмининг ярмидан кам бўлмаслиги, хавфли рецидив жиноят содир этилганда учдан икки қисмидан кам бўлмаслиги, ўта хавфли рецидив жиноят содир этилганда эса тўртдан уч қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Агар ушбу Кодекс Махсус қисми моддаси (модданинг қисмида) жиноят содир этган шахснинг судланганлиги жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса ҳамда

¹ Денов тумани жиноят ишлари бўйича судининг архив матераллари. 34\06 сонли жиноят иши.

ушбу кодекснинг 64 –моддасида (ЎзРЖК нинг 57– моддасида) назарда тутилган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлганда, рецидив жиноят, хавфли рецидив жиноят, ўта хавфли рецидив жиноят содир этилган тақдирда ушбу модда иккинчи қисмининг қоидалари қўлланилмаган ҳолда жазо тайинланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЎзРЖКга 60¹-модда киритилишини ва уни қуйдаги тартибда беришни таклиф қиламиз.

60¹-модда. Рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш

Рецидив, хавфли рецидив, ўта хавфли рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашда олдин содир этилган жиноятларнинг миқдори, хусусиятлари ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, олдинги жазоларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳисобга олинади.

Рецидив жиноят содир этилганда шахсга нисбатан тайинланган жазо айбдор жавобгарликка тортилган норманинг санкциясида назарда тутилган энг оғир жазо муддатининг энг кўп қисмининг яримидан кам бўлмаслиги, хавфли рецидив жиноят содир этилганда учдан икки қисмидан кам бўлмаслиги, ўта хавфли рецидив жиноят содир этилганда эса тўртдан уч қисмидан кам бўлмаслиги керак.

3.2. Айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги нормаларида рецидив жинояти учун жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари

Айрим хорижий ва МДХ мамлакатлар ЖКда бир қанча жиноятлар содир этиш, уларнинг турлари ва ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқар эканмиз, жумладан, Япония давлатининг жиноят қонунчилигида бир қанча жиноятларни содир этиш бошқа давлатларнинг жиноят қонунчилигидан кескин фарқ қилишига гувоҳ бўлдик. Мазкур қонунига кўра, бир қанча жиноятлар деганда, фақат жиноятлар жами назарда тутилган, такроран жиноят содир этиш, рецидив жиноятларнинг норматив ҳуқуқий асоси қонунда кўрсатилмаган. Бир шахс томонидан бир неча жиноятларни содир

этиш, агар уларга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган қарори бўлмаса, жиноятлар жами деб топилади дейилган¹.

Шундай экан шахснинг қилмиши ЖК битта моддасида ёки қисмида ёхуд унинг турли моддаларида ва бандларида назарда тутилганлиги қилмишни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди, лекин шахс судланганидан сўнг жиноят содир этса, унинг ҳуқуқий оқибати, қилмишни қандай баҳолаш кўрсатилмаган, шу жиҳатлари билан бошқа давлатларнинг жиноят қонунлари фарқ қилади.

Польша жиноят қонунчилиги бир қанча жиноятларни содир этиш, деганда фақатгина такроран жиноятлар назарда тутилган.

Польша давлати ЖК қилмишларни бир қанча жиноят сифатида турларга ажратмаган, яъни қилмиш ЖК бир моддаси ёки унинг турли моддаларида назарда тутилганлиги аҳамиятга эга эмас. Қилмишнинг илгарги жавобгарликка тортилганидан сўнг содир этилиши, қилмишни рецидив жиноят деб эмас балки, такроран деб топилишига сабаб бўлади, бу бошқа давлатларнинг жиноят қонунида учрамайдиган ҳолатдир. Ушбу давлатнинг жиноят қонунчилигида қилмишни бир қанча жиноят деб топишнинг зарурий белгиси:

- а) бирдан ортиқ қилмишнинг содир этилганлиги;
- б) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетмаганлиги;
- в) жиноий тажовузнинг бир ёки бир-бирига яқин объектга қаратилганлиги.

Унинг яна бир ўзига хос хусусияти такроран жиноятларни бир қанча қилмиш сифатида ҳуқуқий белгиларини аниқ берилмасидан, уларга жиноий жазо тайинлаш масаласига эътибор қаратилганидир.

Латвия ЖКда бир қанча жиноятлар икки ёки ундан ортиқ жиноий қилмишларнинг содир этилишини назарда тутди. Ушбу давлат жиноят қонунчилигида бир қанча жиноят содир этиш, деганда шахснинг икки

¹ Уголовный кодекс Японии. Науч. редактирование и предисловие докт. юрид. наук, проф. А. И. Коробеева. – СПб. : Юридический центр Пресс, 2002. – 54 с. Е-маэл: izdat@hotmail.com Е-маэл: izdatspb@mail.ru.

ёки бир қанча жиноят содир этиши, жавобгарликка тортиладиган бир қанча жиноят белгилари мавжуд бўлган бир қанча жиноятларни ёки бир жиноий қилмишни содир этиши, башарти қилмиш ягона жиноий қасд билан қамраб олинмаган бўлиши белгиланган. Латвия жиноят қонунчилиги бошқа МДХ давлатлар жиноят қонунчилигидан фарқли ўлароқ бир қанча жиноят содир этишнинг уч тури фарқланган¹:

1) Такроран жиноят содир этиш; 2) Жиноятларнинг жами ва 3) Рецидив жиноятни.

Рецидив жиноят деганда-шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганидан кейин башарти шахснинг судланганлиги олиб ташланмаган ёки тугатилмаган бўлса қасддан янги жиноят содир этиши белгиланган.

Латвия жиноят қонунчилигида хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноятларнинг асоси белгиланмаган, яъни рецидив жиноятлар ижтимоий хавфли хусусиятига кўра, дифференциация қилинмаган.

Қозоғистон ЖКда бир қанча жиноятларнинг учта: 1) рецидив жиноят – (шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши).

2) илгари қасддан содир этган жинояти учун икки марта озодликдан маҳрум қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши;

3) илгари оғир жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши-хавфли рецидив жиноят сифатида белгиланган.

Қуйидаги ҳолларда шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин:

¹ Уголовный кодекс Латвийской Республики / науч. ред. и вступ. статья канд. юрид. наук А. И. Лукошева и канд. юрид. наук Э. А. Саркисова. Перевод с латышского канд. юрид. наук А. И. Лукошева. – СПб. : Юридический центр Пресс, 2001 – 313 с. E-maíl: izdat@hotmail.com E-maíl: izdatspb@mail.ru <http://www.urcenter.newmail.ru>, 2-г, 64-67 с.

а) илгари содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун камида уч марта озодликдан маҳрум қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши;

б) оғир турдаги жинояти учун икки марта озодликдан маҳрум қилинган шахснинг ҳуди шундай жиноятни содир этиши;

в) ўта оғир ёки оғир жинояти учун ҳукм қилинган шахснинг ўта оғир жиноят содир этиши.

Шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топишда унинг 18 ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти, унинг судланганлиги ёки судланганлигининг олиб ташланганлиги аҳамиятга эга эмас. Қозоғистон Республикаси жиноят қонунида ушбу Кодексда кўрсатилган ҳолларда рецидив жиноятлар учун оғирроқ жазо белгилашни кўрсатилади.

Украина ЖКда бир қанча жиноят содир этишнинг уч тури белгиланган. Яъни, “рецидив жиноят–илгари қасддан жиноят содир этган шахснинг судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этишидир”.

Украина жиноят қонунчилигида шахснинг содир этган жинояти учун неча марта ҳукм қилинганлигини, қандай тур¹даги жиноятларни содир этганликни, уларнинг ижтимоий хавфли хусусиятини ҳисобга олиб, рецидив жиноятларни гуруҳларга ажратилмаган, фақатгина жиноят учун судланганликка эътибор қаратган ҳолос.

Тожикистон ЖКда бир қанча жиноятларни содир этишнинг уч тури мустақамланган. Ушбу жиноятларнинг ўзига хос хусусияти қуйдагиларда намоён бўлади:

а) қилмишларнинг ЖК Махсус қисимнинг турли моддаларида ёки унинг қисмида назарда тутилганлиги;

¹ Уголовный кодекс Украины/ Научное редактирование и предисловие докт. юрид. наук, проф. В.Я. Тация и докт. юрид. наук, проф. В.В. Сташиса; перевод с украинского В.Ю. Гличенко. –СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2001. – 393 с.

б) шахснинг судланмаганлиги, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилинмаганлиги;

в) жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноятларни содир этганлиги¹.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш масаласи ҳал этилаётган пайтда унинг ўн саккиз ёшгача содир этган жинояти, судланганлигини тўғатилганлигини, ёки олиб ташланганлигини аҳамияти йўқ. Қонунда кўрсатилган ҳолларда рецидив жиноятлар учун каттиқроқ жазо назарда тўтилиши белгиланган.

Россия Федерацияси Жиноят қонунчилиги бир қанча жиноят содир этишнинг уч турини назарда тутган. Бунда рецидив жиноят-илгари қасддан содир этган жинояти учун судланган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши рецидив² жиноят деб топилади.

Илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилинган шахснинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этиши-хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Илгари қасддан содир этган ўртача оғир ёки оғир жинояти учун уч ва ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахснинг қасддан жиноят содир этиши, ёхуд икки марта оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланган шахснинг қасддан оғир жиноят содир этиши, ёки илгари қасддан содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган шахснинг қасддан ўта оғир жиноят содир этиши-ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Шахсни ўта хавфли рецидив деб топишда унинг ўн саккиз ёшгача жиноят содир этган этмаганлиги, судланганлигини тўғатилганлиги ёки олиб ташланганлиги аҳамиятга эга эмас. Рецидив жиноятларни

¹ Уголовный кодекс Республики Таджикистан. Предисловие А, В, Федорова. – СПб. : Юридический центр Пресс, 2001. 34– 39 с. Е-маъл: izdat@hotmail.com Е-маъл: izdatspb@mail.ru.

² Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации // Ю.В. Грачева, Л.Д. Ермакова [и др]; отв. Ред. А.И. Рарог. – 4-е изд., перераб. И доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. С. – 167.

квалификация қилишда жиноят қонуни улар учун оғирроқ санкцияларни қўллашни назарда тутати. Бир неча жиноятларни рецидив жиноят деб топишнинг зарурий шарти шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганлиги ва судланганидан сўнг қасддан янги жиноят содир этишидир.

Болгария жиноят қонунчилигида бир қанча жиноятларни содир этиш бошқа давлатларникидан фарқ қилади. Болгария жиноят қонунда бир қанча жиноятларни содир этиш деганда шахснинг бир қилмиши бир неча жиноятларни келтириб чиқариши ёки шахснинг алоҳида бир неча жиноятларни содир этиши, башарти қилмишлар суднинг қонуний кучга кирган қарори чиқарилгунга қадар содир этилган бўлишини назарда тутати. Шахс томонидан содир этилган жиноий қилмишлар жиноят кодекси махсус қисмининг бир моддасида ёки турли моддаларида назарда тутилганлиги қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас, гарчи тажовуз объекти бир-бирига яқин ёки бошқа объект бўлса ҳам.

Ўзининг ғайриижтимоий мақсадларига эришишнинг жамият учун ижтимоий хавфли усулини танлаган шахсга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган қарори булмаслиги лозим, агар шундай қарор бўлса унга нисбатан оғирроқ жазо белгиланиши белгиланган, лекин қилмишни рецидив деб топишнинг норматив ҳуқуқий асоси жинот қонунда кўрсатилмаган. Болгарияда бир қанча жиноятларни содир этишнинг ўзига хос хусусияти:

а) шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноий оқибат келтириб чиқарган бир ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ёхуд алоҳида бир неча жиноятларни содир этиши;

б) бир қанча жиноятларни уларнинг жиноят кодекси махсус қисми моддаларини қамраб олиши ва судланганликнинг ҳуқуқий оқибатига қараб такроран, жиноятлар жами ва рецидив жиноятларга ажратилмаганлиги.

Қирғизистон ЖКда бир қанча жиноят содир этишнинг уч туруни фарқланади. Жумладан, 1. Такроран жиноят содир этиш; 2. Жиноятлар жами; 3. Рецидив жиноятларни¹.

Рецидив жиноят -шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилинганидан сўнг, қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун икки марта озодликдан маҳрум қилинган шахснинг озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши мумкин булган қасддан янги жиноят содир этиши, илгари қасддан содир этган оғир жинояти учун судланган шахснинг қасддан оғир жиноят содир этиши-хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Шахснинг илгари қасддан содир этган оғир ёки унча оғир булмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этилган шахснинг озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши мумкин булган қасддан янги жиноят содир этиши, илгари қасддан содир этган иккита ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган шахснинг қасддан оғир жиноят содир этиши, илгари қасддан содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган шахснинг қасддан ўта оғир жиноят содир этиши-ўта хавфли рецидив деб топилади. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда унинг ўн саккиз ёшгача жиноят содир этганлиги, судланганликнинг олиб ташланганлиги ёки тугатилганлиги аҳамиятга эга эмас. Ушбу жиноятнинг ўзига хос хусусияти шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганидан сўнг қасддан янги жиноят содир этиши ҳисобланади. Шахснинг рецидив жиноятларни содир этиши жиноят қонуни оғирроқ жазо билан қамраб олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, хусусан рецидив жиноятчилик масаласини ҳал этиш ва бу

¹ Уголовный кодекс Республики Киргизистан. Предисловие А, В, Федорова. – СПб. : Юридический центр Пресс, 2001. 34– 39 с. Е-маэл: izdat@hotmail.com Е-маэл: izdatspb@mail.ru.

борада айрим МДХ давлатлар Жиноят қонунчилигида вояга етмаганлар рецидив жиноятчилиги, уларнинг судланганлик масаласини қиёсий таҳлил этиш ва бу борада тегишли таклиф ва тавсиялар бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Вояга етмаганлар рецидиви ва уларнинг судланганлигига оид амалдаги жиноят қонун нормаларини таҳлили шуни кўрсатадики, судланганлик вояга етмаганлар рецидив жиноятчилиги вужудга келишига таъсир қилувчи жиноят-ҳуқуқий институт бўлиб ҳисобланади. Чунки, айнан судланганлик ҳолатининг мавжудлиги шахснинг рецидивлик ҳолатини келиб чиқишига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги ЖК 78-моддасида судланганлик ҳолатининг умумий муддатлари қайд этилган бўлиб, мазкур нормада маҳкумга тайинланган жазо тури ва миқдоридан келиб чиққан ҳолда судланганликнинг тугалланиш муддатлари белгиланган, шу билан биргаликда шахснинг жиноят содир этиш вақтида вояга етган ёки етмаганлиги билан боғлиқ ҳолатлар ушбу муддатларнинг қўлланилишига таъсир қилиш ёхуд таъсир қилмаслик масаласи мазкур қонуннинг тегишли нормаларида ўз ифодасини топмаган. Ваҳоланки, вояга етмасдан ёки вояга етгандан сўнг жиноят содир этган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазо чоралари қуйидагича қиёсий тафовутга эга:

1) жарима жазоси - умумий асосларда - энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача, вояга етмаганларга нисбатан эса энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда;

2) ахлоқ тузатиш ишлари - умумий асосларда - олти ойдан уч йилгача муддатга; вояга етмаганларга нисбатан бир ойдан бир йилгача муддатга;

3) қамоқ жазоси - умумий асосларда - бир ойдан олти ойгача муддатга; вояга етмаганларга нисбатан - бир ойдан уч ойгача муддатга;

4) озодликдан маҳрум қилиш жазоси умумий асосларда - олти ойдан

йигирма йилгача, ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин; вояга етмаганларга нисбатан - озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ЖКнинг 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир (12, 15 йил).

Шунингдек, айрим МДХ мамлакатларида, хусусан, Россия Федерацияси, Арманистон, Грузия, Қозоғистон Республикалари жиноят қонунчиликларида вояга етмаганлар рецидиви ва уларга нисбатан судланганлик ҳолатини белгилашнинг алоҳида тартиби жорий этилган. Россия Федерацияси амалдаги Жиноят кодексининг 95-моддасида вояга етмаганларга нисбатан судланганлик ҳолатининг тугалланишини алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, уларнинг муддати қуйидагича:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

б) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин уч йил ўтгач;

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо турлари билан судланганларга нисбатан - уларга белгиланган жазо ижро этилганидан ёки ўтаб бўлинганидан кейин бир йил ўтгач судланганлик муддатлари тугалланади.

Қолган барча ҳолатларда жиноят содир этган вояга етмаганларга нисбатан РФ ЖКнинг 86-моддасида кўрсатилган судланганлик муддатлари умумий асосда қўлланилади¹.

Қозоғистон Республикаси ЖКда ҳам вояга етмаганларга судланганлик муддатларини қўллашнинг ўзига хос тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра:

¹ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации // Ю.В. Грачева, Л.Д. Ермакова [и др]; отв. Ред. А.И. Рарог. – 4-е изд., перераб. И доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. С. – 167.

а) озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо турлари билан судланганларга нисбатан - жазо ижро этилганидан ёки ўтаб бўлинганидан кейин тўрт ой ўтгач;

б) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

в) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин уч йил ўтгач судланганлик муддатлари тугалланган ҳисобланади¹.

Мазкур давлатларнинг вояга етмаганлар рецидиви ва судланганликка оид жиноят қонуни нормаларини таҳлил қилиш жиноят содир этган шахсга унинг судланганлик муддатларини қўллаш масаласи жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифланишига, яъни, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ёки ўта оғир жиноят (ушбу тасниф ҳар бир давлатда ўзига хос кўринишга эга) эканлигига боғлиқлигини кўрсатади. Бу ҳолат эса ўз навбатида бир хил таснифга кирувчи жиноят содир этган шахсларга нисбатан, алоҳида хусусиятлар, хусусан, енгиллаштирувчи ҳолатлар (айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш; етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш, оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул ҳолда жиноят содир этиш ва ҳк.) ёки аксинча, оғирлаштирувчи ҳолатларнинг (кўп ёки жуда кўп миқдорда; ўта шафқатсизлик билан; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш ва ҳк. (башарти, бу белгилар бир модданинг айнан бир қисмида кўрсатилган ёхуд моддада алоҳида кўрсатилмаган ҳолатларда)) мавжудлигидан, шунингдек,

¹ Уголовный кодекс Республики Казахстан // науч ред. И предисл. Д.ю.н., И.И. Рогова. СПб: Юридический центр Пресс, 2001. – 446 с.

уларга нисбатан қўлланилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатидан қатъий назар бир хил судланганлик муддатларини келтириб чиқаради. Ушбу ҳолатда қонун чиқарувчи судланганлик муддатларини қўллаш учун қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини асос қилиб олганлигини, шунингдек, жиноят ишида жазони енгиллаштирувчи ёхуд оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатларига таъсир этмаслигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда эса, шахснинг судланганлик муддати тайинланган жазонинг тури ва муддатидан келиб чиқиб белгиланади. Мисол учун агар шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган тақдирда, унинг судланганлик муддати содир этган жиноятининг оғирлик даражасига қараб эмас, балки, ЖКнинг 55, 56 ҳамда 57-моддаларида кўрсатилган асосларга таянган ҳолда тайинланган жазо тури ва миқдorigа узвий боғлиқдир, чунки, ушбу кўрсатилган ҳолатларнинг суд томонидан инобатга оlinиши шахсга нисбатан жазо тури ва миқдори, шунингдек, судланганлик муддатларининг ўзгаришига олиб келади.

Шу билан бирга, қонунчилик нормаларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ўртасида рецидив жиноятчиликнинг келиб чиқишига қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича умумий ва махсус ваколатли субъектлар фаолияти ҳамда мазкур фаолиятни тартибга солувчи қонун нормаларидаги мавжуд муаммолар, судланганлик ҳолатини давомийлигига таъсир қилувчи жазо турлари ва миқдори вояга етмаганларга нисбатан енгиллаштирилган кўринишга эга бўлса - да, уларга нисбатан фақат умумий жазо муддатларидан енгилроқ жазо тайинлаш билан чекланилганлиги, судланганлик муддатларини қўллашнинг алоҳида тартиби ҳанузгача белгиланмаганлиги, шунингдек, айрим МДХ мамлакатларида вояга етмаганлар рецидиви ва уларга нисбатан судланганлик институтини қўллаш билан боғлиқ нормаларни таҳлил қилиш жиноят қонунчилигимизда рецидив ва судланганлик билан боғлиқ қонун нормаларинини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Бу эса ўз навбатида, жиноят содир этган вояга етмаганлар рецидив ва уларга нисбатан судланганлик муддатларини қўллашнинг алоҳида тартибини муайян ҳуқуқий нормада акс эттиришни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, вояга етмаганларга нисбатан судланганлик муддатларини қўшиш ва вояга етмаганлар рецидивига тааллуқли алоҳида нормаларни Ўзбекистон Республикаси ЖК Умумий қисмига киритиш лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, бундай норманинг жиноят қонунчилигида қайд этилиши ўз навбатида жиноят содир этган вояга етмаган шахс ҳуқуқ-атворининг ижобий томонга ўзгаришига; ахлоқан тузалиши орқали вояга етмаган шахсда мавжуд салбий иллатларнинг йўқолишига ва жамиятда тезроқ ўз ўрнини топишига; “судланганлик” тамғасини кўтариб юришдан халос бўлишига; профессионал жиноятчиликнинг пойдевори бўлган вояга етмаганлар рецидив жиноятчилигини олдини олишга; энг асосийси, вояга етмаганлар ўртасида рецидив жиноятчиликнинг сифат ва миқдор жиҳатдан кескин камайишида муҳим рол ўйнайди.

3 боб бўйича хулосалар

Учинчи боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, рецидив жиноят содир қилиш деб ҳисобланишнинг муҳим шартларидан бири шахсни янги жиноят содир қилиш вақтида олдинги жинояти учун судланганлигидир. Бунда ўша жиноят учун судланганлик муддати ўтиб кетмаган ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлиши керак.

Ўз ЖК 77-моддаси 2-қисмида “Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади”, дейилади. Жазодан озод қилишнинг турлари эса ЖК нинг 13-бобида берилган бўлиб, 69 76 моддаларида кўзда тутилган. ЖК 77 моддасида умумий тарзда берилган бу норма Кодекснинг 72, 73,74,76 ва бошқа моддаларида

назарда тутилган қоидаларга тамоман ҳилофдир. Чунки бу моддаларда ҳам жазодан озод қилишнинг алоҳида турлари назарда тутилган ва жазодан озод қилинган шахслар қасддан янги жиноят содир қилсалар ЖК нинг 60-моддаси (бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш) тартибида жазо тайинланилади дейилади, яъни шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати мобайнида (72-модда, жазони ўташидан муддатида илгари шартли озод қилинган шахс (73-модда), жазони енгилроғи билан алмаштирган шахс (74-модда) жазони ўталмаган қисми мобайнида, шахс (76-модда) жазони ўталмай қолган қисмининг 60-моддаси қоидалари бўйича жазо тайинланиши назарда тутилган.

Шундай экан юқорида айтилган моддалар қоидалари асосида жазодан озод қилинган шахслар судланган ҳисобланадилар. Шу муносабат билан ЎзР ЖК нинг 77-моддаси 2-қисмида “Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади”, деган сўзларни қуйдаги сўзлар билан алмаштириш таклиф қилинади.

“Суд томонидан жавобгарликдан озод қилинган шахслар, шунингдек Ушбу кодекснинг 69, 70, 71- моддалари қоидалари асосида жазодан озод қилинган шахслар судланмаган деб ҳисобланади”.

2) ЖК Махсус қисми айрим моддаларида, масалан, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” содир этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ЖК 278²-моддасининг 2-қисми билан жавобгарликка тортилади. Аммо, айрим ҳолатларда қилмиш ўта хавфли рецидивист томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Бундай ҳолатда қилмишни квалификация қилиш масаласи ҳам қонун нормасида ўз аксини топмаган. Ўта хавфли рецидивистнинг жиноят-ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб, бундай шахс томонидан содир этилган жиноятларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар томонидан содир этилган ушбу жиноятни квалификация қилишда юзага келиши мумкин бўлган

муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖК 278²-моддаси иккинчи қисми “б” бандига “ўта хавфли рецидивист томонидан” содир этилиши ҳолати киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпгина моддаларининг масалан, 278²-моддасининг 2-қисми ва 164, 166, 169-моддаларининг 2-қисмига қўшимча банд киритилиб, ушбу банд “такроран ёки олдин судланган шахс томонидан” содир қилинган деб берилиб, ушбу моддаларнинг 3-қисми “а” бандларидаги “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” деган банд “хавфли рецидивист томонидан” -деб берилиши керак.

Бундай таклиф беришдан мақсад, жиноят содир қилаётган шахсларнинг бири бундай жиноятни такроран ёки судланганидан сўнг содир қилган бўлиши мумкин. Аммо бундай шахсларни битта яъни, “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” -деган банд билан жавобгарликка тортиш адолатдан эмас. Бунга асос такроран ёки олдин судланган шахс томонидан жиноят содир қилишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси хавфли рецидивист шахсдан анча пастдир. Бундан ташқари, хавфли рецидивист тушунчаси ҳам буни тақозо этмайди. Чунки, олдин судланган шахс икки маротаба жиноят содир қилган бўлиши керак, хавфли рецидивист тушунчасидан шуни тушуниш мумкинки, шахсни хавфли рецидивист деб топишимиз учун шахс илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этилиши тушунилади. Бунда шахс икки маротаба жиноят содир қилиб, судланиб, 3-маротаба жиноят содир қилгандан кейингина хавфли рецидивист деб топилади. Такроран жиноят содир қилишда эса ҳали судланмай туриб жиноятларни такрор содир қилган бўлиши керак.

МДХ га кирувчи давлатларнинг Жиноят кодексларининг Умумий қисмида рецидив жиноят тушунчаси ва турларини бериш билан бирга,

рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг қоидаларини белгиловчи алоҳида модда назарда тутилган.

Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 68- моддаси, Қозоғистон Жиноят кодексининг 59 - моддасида, Тожикистон Жиноят кодексининг 66- моддаси ва ҳоказоларда.

Айрим МДХ мамлакатларида, хусусан, Россия Федерацияси, Арманистон, Грузия, Қозоғистон Республикалари жиноят конунчиликларида вояга етмаганлар рецидиви ва уларга нисбатан судланганлик ҳолатини белгилашнинг алоҳида тартиби жорий этилган.

Хулоса

Жиноятлар рецидивининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари масаласи бўйича жиноят ҳуқуқига оид илмий-назарий ва юридик адабиётларни, ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича ўз хулосаларимизни қуйидагича икки қисмдан иборат тарзда баён қилдик:

I. Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантиришга оид тавсиялар:

1. Судланганликка қуйидагича янги таъриф берилади: **“Судланганлик, шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиган ва судланганлик олиб ташлангунга ёки тугалланишига қадар давом этадиган ҳуқуқий ҳолатдир, у қилмишни рецидив деб ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади”.**
2. Рецидив ва такрорийлик бир-бири билан узвий боғланган, бироқ мустақил тушунчалардир. Айбдорнинг илгари содир этилган жиноят учун судланганлиги такрорийликка сифат жиҳатидан бошқача мазмун бахш этади ва янги тушунча – жиноят рецидивини юзага келтиради.
3. Бизнингча, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини, айбдорнинг шахси ва иш ҳолатларини ҳам инобатга олиши лозим. Шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда шуни назарда тутиш керакки, бундай қарор келгусида муайян жиноий қилмишлар содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай қарор жиноятчи янги жиноят содир этган тақдирда, уни ўта оғир жазо кутаётгани тўғрисида огоҳлантиришдан иборатдир. Шу ўринда: шахс қачондан бошлаб ўта хавфли рецидивист бўлмай қолади? – деган савол туғилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 79-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, “ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазо ўтаб чиққанларидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин”. Қонун матнидан келиб чиқиб,

судланганликни олиб ташлашнинг бундай тартиби ўта хавфли рецидивистларга уларга берилган ва улар амалда ўтаб чиққан жазо муддатидан қатъи назар, қўлланилиши лозим.

II. Жиноят қонунини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таклиф қиламиз:

1) Рецидив жиноятни тўлиқ таърифини бериш лозим бўлиб, бу эса суд амалиётида юзага келаётган камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддаси 1-қ. диспозициясини қуйидагича ўзгартиришни таклиф этамиз.

“Шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан яна қасддан жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади”.

Бу борада хорижий давлатлар таҳлилини кўриб чиқадиган бўлсак, яъни Латвия Республикаси жиноят кодексининг 27-моддасида ҳам рецидив жиноятга худди шундай таъриф берилган бўлиб, ушбу таъриф ҳам рецидив жиноят тушунчасини тўлиқ қамраб олган.

2) Рецидив жиноят содир қилиш деб ҳисобланишнинг муҳим шартларидан бири шахсни янги жиноят содир қилиш вақтида олдинги жинояти учун судланганлигидир. Бунда ўша жиноят учун судланганлик муддати ўтиб кетмаган ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлиши керак.

Ўз ЖК 77-моддаси 2-қисмида “Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади”, дейилади. Жазодан озод қилишнинг турлари эса ЖК нинг 13-бобида берилган бўлиб, 69, 76 моддаларида кўзда тутилган. ЖК 77 моддасида умумий тарзда берилган бу норма Кодекснинг 72, 73, 74, 76 ва бошқа моддаларида

назарда тутилган қоидаларга тамоман ҳилофдир. Чунки бу моддаларда ҳам жазодан озод қилишнинг алоҳида турлари назарда тутилган ва жазодан озод қилинган шахслар қасддан янги жиноят содир қилсалар ЖК нинг 60-моддаси (бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш) тартибида жазо тайинланилади дейилади, яъни шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати мобайнида (72-модда, жазони ўташидан муддатида илгари шартли озод қилинган шахс (73-модда), жазони енгилроғи билан алмаштирган шахс (74-модда) жазони ўталмаган қисми мобайнида, шахс (76-модда) жазони ўталмай қолган қисмининг 60-моддаси қоидалари бўйича жазо тайинланиши назарда тутилган.

Шундай экан юқорида айтилган моддалар қоидалари асосида жазодан озод қилинган шахслар судланган ҳисобланадилар. Шу муносабат билан ЎзР ЖК нинг 77-моддаси 2-қисмида “Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади”, деган сўзларни қуйдаги сўзлар билан алмаштириш таклиф қилинади.

“Суд томонидан жавобгарликдан озод қилинган шахслар, шунингдек Ушбу кодекснинг 69, 70, 71- моддалари қоидалари асосида жазодан озод қилинган шахслар судланмаган деб ҳисобланади”.

3) Жиноят кодекси 164, 166, 169-моддаларининг 2-қисмига қўшимча “такроран ёки қасддан содир этилган жинояти учун судланган шахс томонидан” деган банд киритилиб, ушбу моддаларнинг 3-қисми “а” бандларидаги “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” деган банд “хавфли рецидивист томонидан” -деб берилиши кераклиги асосланган.

Бундай таклиф беришдан мақсад, жиноятни шахсларнинг бири такроран ёки олдин судланиб бўлгандан сўнг содир қилган бўлиши мумкин. Аммо бундай шахсларни битта яъни, “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” -деган банд билан жавобгарликка тортиш адолатдан эмас. Бунга асос такроран ёки олдин судланган шахс томонидан содир қилишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси хавфли рецидивист

шахсдан анча пастдир. Бундан ташқари, хавфли рецидивист тушунчаси ҳам буни тақозо этмайди. Чунки, олдин судланган шахс икки маротаба жиноят содир қилган бўлиши керак, хавфли рецидивист тушунчасидан шуни тушуниш мумкинки, шахсни хавфли рецидивист деб топишимиз учун шахс илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этилиши тушунилади. Бунда шахс икки марта жиноят содир қилиб, судланиб, 3-маротаба жиноят содир қилгандан кейингина хавфли рецидивист деб топилади. Такроран жиноят содир қилишда эса ҳали судланмай туриб жиноятларни такрор содир қилган бўлиши керак.

III. Суд амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1) ЎзРЖКнинг 34-моддаси биринчи қисм дицпозициясида рецидив жиноятни тўлиқ таърифини бериш лозим бўлиб, бу эса суд амалиётида юзага келаётган камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 16-банди иккинчи қисмига ҳам **“Шахснинг илгари қасддан қилган жинояти учун судланиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан яна қасддан жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади”**, деган тушунчани киритишни таклиф этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 76.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан бирга. – Тошкент: Адолат, 2014. – 396 б.
3. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд: Юрид. изд. НКЮ УзССР, 1926.
4. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. 1977 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан. / Нашр учун масъул: М.С.Восиқова. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977.
5. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики / Науч. ред., предисловие д.ю.н., проф. И.М. Рагимова, перевод с азербайджанского Б.Э. Аббасова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 45.
6. Уголовный кодекс Грузии / Науч. ред. З.К. Биговава, вступ. статья д.ю.н., проф. В.И. Михайлова, обзорн. статья д.ю.н., проф. О. Гамкрелидзе, перевод с грузинского И. Мериджанашвили. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 111.
7. Уголовный кодекс Республики Беларусь. – СПб.: Юридический центр Пресс. 2001. – С. 118-120.
8. Уголовный кодекс Республики Казахстан. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 58-60.
9. Уголовный кодекс Российской Федерации: федеральный закон РФ от 16 июня 1996 г. № 63-ФЗ // Собрание законодательства РФ. – 17.06.96. № 25. ст.360.
10. Уголовный кодекс Республики Армении / Научное редактирование, предисловие докт. юрид. наук, проф.

И.М. Рагимова. Перевод с арменского Р. Погасян. – СПб.:

Издательство «Юридический центр Пресс», 2001. – 296 с.

11. Уголовный кодекс Украины / Научное редактирование и предисловие докт. юрид. наук, проф. В.Я. Тация и докт. юрид. наук, проф. В.В. Сташиса; перевод с украинского В.Ю. Гличенко. – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2001. – 393 с.

12. Уголовный кодекс Литовской Республики / Науч. ред. докт. юрид. наук, проф. В. павилониса; предисл. канд. юрид. наук. Н.И. Мацнева; вступ. статья докт. юрид. наук, проф. В. Павилониса докт. юрид. наук, доц. А. абрамовичюса, докт. юрид. наук, доц. А. Дракшене; пер. с лит. канд. филол. наук, доц. В.П. Казанскене. – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2001. – 470 с.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 2006 й., 1-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006 2 том. –Тошкент: Адолат, 2006. Т.1. – 493 б.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006 2 том. –Тошкент: Адолат, 2006. Т.2.– 541 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” мавзусидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 28 январь, №19 (4934).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маърузаси // Халқ сўзи 2010 йил 13 ноябрь сони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилидир” деб номланган маърузаси // Халқ сўзи газетаси. 2010 йил 8 декабрь, №236 (5151).

4. Каримов И.А. 2010 йилда Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” дея номланган маърузаси // Ўзбекистон Овози газетаси. 2011 йил 22 январь, №10 (31.286)

III. Асосий адабиётлар:

1. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2006. – 124 б.;
2. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. “ILM ZIYO” Т. 2006. –Б. 532
3. Абдуқодиров Ш.Ё, Мирзаев У.М. Мулкни талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. - Тошкент: ТДЮИ, 2009. - Б. 84.
4. Аллабергенов А.П. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик./Маъсул муҳаррир доц. Б.Ж.Ахраров. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б. 67.
5. Агафонов К.Л. Рецидив преступлений: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 1974. – 9-б.

6. Аликберов Х.Д. Освобождение от уголовной ответственности – М.: Изд. НПО «МОДЕК»; 2001 – 125 с.
7. Бакунов П. Бир неча хукмлар юзасидан жазо тайинлаш. Т.: ТДЮИ. 2003й. –Б. 47
8. Ю.И.Бытко. Учение о рецидиве преступлений в Российском уголовном праве. Саратов, 1998.
9. Бузынова С.П. Уголовно-правовое понятие рецидива и его виды // Проблемы уголовно-правовой борьбы с преступностью. – М., 1999. –35-б.
10. А.Васецов. Неоднократность, судимость и совокупность при квалификация хищении. “Российская юстиция”, 2001. №9, ст.59.
11. Виттенберг Г.В. Некоторые вопросы практика применения Указа Президума Верховного Совета Иркутск: Исд-во Иркутского ун-та, 1991. 127-139
12. Гришанин П.Ф. Социально-правовые проблемы борьбы с рецидивной преступностью. – М., 1981. – 5-б. 23. Бузынова С.П. Уголовно-правовое понятие рецидива и его виды // Проблемы уголовно-правовой борьбы с преступностью. – М., 1999. –35-б.
13. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик.//Маъсул муҳаррир М.Ҳ.Рустамбоев - Тошкент ТДЮИ, 2004.- Б. 106-111.
14. Жиянов М.Х. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик. Фарғона. 2002.
15. Жиянов М. Такроран жиноят содир этиш тушунчаси ва белгилари // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2004. – № 6. – Б. 44-45.
16. Тахиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. док. ...дис. автореф. - Тошкент, 2007.
17. Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. - Тошкент: Илм зиё, 2005. - Б. 311.;
18. Рустамбоев М.Х.,Тахиров Ф. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Схема. - Тошкент: ТДЮИ, 2002. - Б. 45.

19. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. - Тошкент: Насаф, 2010. - Б. 309.
20. Усмоналиев М. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари Т.: Янги аср авлоди. 2005 й. –Б. 14
21. Усмоналиев М. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишнинг айрим масалалари. Ўзбекистон Республикаси қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда тадбиқ этилиши тўпламида. –Т., 1993. –Б. 123.
22. Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. Т.: Янги аср авлоди. 2003й. –Б.120
23. Усмоналиев М., Бакунов П. Жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш. Т.: Адолат. –Б.58.
24. Уголовное право России. Часть общая: учеб для студентов вузов, обучающихся по специальности «Юриспруденция» / (Галиакбаров Ромэн Рахуммулович и др.) Отв.ред.пров.Л.Л.Кругликов.2-е изд., перераб. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2005. – С.370
25. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под. ред. проф. Б.В.Здравомыслова. Изд 2-е перераб. и доп. – М.: Юрист, 2000. – С. 223
26. Уголовное право Общая часть/ Под.ред. Кузнецова Н.Ф. и др. М., 1993. С 177
27. Уголовная право. Общая часть.Учебник для вузов. Ответственные редакторы – доктор ю.н, профессор И.Я. Козаченко и доктор ю.н. профессор З.А. Незнамова. –М. Издательская группа ИНФРА М–НОРМА, 1997. - С.220
28. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под. ред. проф. Б.В.Здравомыслова. Изд 2-е перераб. и доп. – М.: Юрист, 2000. – С. 223.
29. Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. - Т. Янги аср авлоди. 2001, 24-бет.

30. Норбўтаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. - Тошкент, 1991. - С. 52-59.
31. Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож килиш учун жавобгарлик. Монография. // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Б.Ж.Ахраров. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 102-103.
32. Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. - Тошкент:ТДЮИ, 2007.- Б. 50-51.
33. Каракетов Й.М., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминалогик чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 189 бет.
34. Иващенко А.В. Многократные рецидивисты, не признанные особо опасными; криминологический и уголовно-правовой аспект: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Томск, 1986. – 9-б.
35. Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. – М., 1964. – 8-б.
36. Кинге Х. Понятие рецидива преступления в уголовном праве и криминологии // Труды по правоведению. – Тарту, 1975. – 63-б.
37. Панько К.А. Рецидив преступлений и механизм правового регулирования ответственности рецидивистов: Автореф. дис... докт. юрид. наук. – Киев, 1989. – 21-б.
38. Кузнецова Н.Ф. Рецидивная преступность: понятие и криминологическая характеристика / Ниедре А.М. и др. – Рига, 1983. – 10-11-бетлар.
39. Каиржанов Е.И., Накипов Б. Рецидивная преступность: состояние и профилактика-Алматы. Государственный следственный комитет, 1996. с. 232.
40. Паше-Озерский Н.Н. Общественность в борьбе за предупреждение рецидива // Роль общественности в борьбе с преступностью. – Воронеж, 1990. – 185-б.
41. Панько К.А. Рецидив преступлений и механизм правового регулирования ответственности рецидивистов: Автореф. дис... докт. юрид. наук. – Киев, 1991. – С.21.

42. Шаймерден огли М.Р. Проблемы исполнения наказания в исправительных учреждениях в отношении рецидивистов, совершивших преступление в несовершеннолетнем возрасте. Автореф. канд.юрид. наук, 1999, стр. 24.

43. Попов В.И. Особо опасный рецидив и его предупреждение органами внутренних дел. – Киев, 1995. – 11-б.

44. Ковалев М.И. Соучастие в преступлении. Ч.2. //Ученые труды Свердловского юридического института. –Свердловск, 1962. –Т.5. –С. 161.

45. Т.Чернова. В.Малков. Назначение наказания по совокупности приговоров. Российская юстиция, 2001. №8, ст.68.

46. Мукумова М.З. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш хусусиятлари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2005. – Б. 42.; Ткаченко М.И. Множественность преступлений. Уголовное право Российской Федерации. – М.: Юристъ. 1999. – 278 с.

6. Қўшимча информация адабиётлар(сайтлар):

1. [http:// www.repherat.ru](http://www.repherat.ru).
2. [http:// www.lib.ru/PRAWO](http://www.lib.ru/PRAWO).
3. [http:// www.crime-research/org](http://www.crime-research/org).
4. [http:// repherat.kodeks.net](http://repherat.kodeks.net).
5. [http:// www.wsu.ru](http://www.wsu.ru).
6. [http:// www.univ.crimea.ua](http://www.univ.crimea.ua).
7. [http:// www.hro.org](http://www.hro.org).
8. [http:// www.fsb.ru](http://www.fsb.ru).
9. [http:// www.lawstatus.ru](http://www.lawstatus.ru)
10. [http:// www.votsu.ru](http://www.votsu.ru).
11. [http:// jur-lib.kharkov.ua](http://jur-lib.kharkov.ua).

**Жиноятлар рецидивининг жиноят-ҳуқуқий жихатлари
тўғрисида**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун

Ушбу анкета-сўровнома ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва мутахассислар учун мўлжалланган.

Мазкур сўровномани ўтказишдан мақсад рецидив жиноятлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, Жиноят кодекси 34- моддасини таҳлил этиш ва шулар асосида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, шунингдек, рецидив жиноятини тўғри квалификация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Сўровнома аноним бўлиб, исм-шарифингизни кўрсатишингиз шарт эмас.

Сўровнома тўлдирувчига тавсиялар.

1. Берилган саволларга жавоб беришдан олдин сўровнома билан тўлиқ танишиб чиқишни;
2. Бандлардаги жавоблар учун қолдирилган жойларга сўзлар билан жавоб беришингизни;
3. Сўровномада санаб ўтилган сизга дахлдор ҳолатларни айланага олиб ёки қўшимча ёзшингизни;
4. Сўровномада “ҳа”, “йўқ” деб келтирилган жавоблардан фақат биттасини айланага олишингизни сўраймиз.

Тадқиқотни ўтказишда амалий ёрдам берганингиз учун раҳмат!

1. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив жиноятчи шахсининг жинси:

- 1.1. Эркак – 66%
- 1.2. Аёл – 24%
- 1.3. Вояга етмаганлар -10%

2. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив жиноятчи шахснинг ёши:

- 2.1. 16-17 ёш – 5%
- 2.2. 17-24 ёш - 20%
- 2.3. 24-35 ёш – 25%
- 2.4. 35-50 ёш – 35%
- 2.5. 50-60 ёш -10%
- 2.6. 60 ёшдан юқори -5%

3. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив жиноятчи шахснинг машғулоти:

- 3.1. Ишчи (иш жойи ва касби) – 5%
- 3.2. Хизматчи (иш жойи ва мутахассислиги) -5%
- 3.3. Коллеж ўқувчиси (қайси ?) – 4%
- 3.4. Олий ўқув юрти талабаси (қайси ?) -6%
- 3.5. Фермер -5%
- 3.6. Уй бекаси -0%
- 3.7. Пенсионер -0%
- 3.8. Вақтинчалик ишсиз шахс – 35%
- 3.9. Харбий хизматчи (унвон) – 10%

3.10. Спортчи -5%

3.11. Ишсиз ва турар жойсиз -20%

4. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив жиноятчи шахсининг маълумоти қандай бўлган?

4.1. Умуман маълумоти бўлмаган- 25%

4.2. Тўлиқсиз ўрта маълумот (9 -11 синфлар) -28%

4.3. Ўрта (11-синф) -12%

4.4. Ўрта махсус -5%

4.5. Тугалланмаган Олий – 10%

4.6. Олий -10%

5. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив жиноятчи шахсининг оилавий ҳолати қандай бўлган эди?

5.1. Уйланган оилали – 5%

5.2. Бўйдоқ -25%

5.3. Ажрашган – 48%

5.4. Хотини ўлган – 12%

5.5. Уйланмаган-10%

6. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив жиноятчи шахсининг оилавий аҳволи:

6.1. Қарамоғида болалари бор (нечта) 3 нафар – 48%

6.2. Қарамоғида ота-онаси ёки бошқа шахслар бор (ким) -12%

6.3. Ота-оналар қарамоғида (эр-хотин) ота-онаси билан – 16%

6.4. Дўстлари, дугоналари, хотини қарамоғида – 14%

7. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив жиноятчи шахсининг олдинги судланганлик ҳолати қандай бўлган:

7.1. Судланганлик ҳолати олиб ташланган – 38%

7.2. Судланганлик ҳолати олиб ташланмаган – 42%

7.3. Судланмаган (такроран жиноят содир этган) – 20%

8. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив жиноятчи шахсининг олдин яшаган жойи

8.1. Қишлоқда – 45%

8.2. Шаҳарда -55%

9. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив шахс жабрланувчи билан таниш бўлганми?

9.1. Ҳа -38%

9.2. Қариндош (қандай) -22%

9.3. Ўртоқ, дўст – 10%

9.4. Таниш (қачондан бери, қачон ва ким таништирган)- 20%

9.5. Аввал таниш эмас эди -10%

10. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда айбланувчи хавфли ва ўта хавфли рецидивист деб тан олинганми?

10.1. Ҳа -

10.2. Йўқ -

11. Сиз тергов қилаётган ва тергов қилиб бўлган жиноятларда рецидив шаахс қандай жиноятларни кўпроқ содир этган?

11.1. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни- 15%

11.2. Унча оғир бўлмаган жиноятларни –28%

11.3. Оғир жиноятларни – 42%

11.4. Ўта оғир жиноятларни –15%

12. Сизнингча рецидив жиноятчиликни олдини олиш бўйича қандай чораларни кўриш лозим?
